

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

### ЧЕХРАСИ ГҲЁКИ ОФТОБ...



Мен биринчи марта бу ҳовлига кириб борганимда, мисоли гўзал театр томошаси учун безатилган сахна билан рубару келгандай эдим: саранжом-сарилталик, озодаликдан иморатлар яна ҳам кўркем, салобатли кўринади. Аслида, улар ортиқча дабдабали, жимжамдор эмас, лекин файли-фариштали. Деворлар оша ташкарига шох ташлаган дарахтлар оралаб ўтган йўлаклар хафсалда билан супурилган. Ҳовли ўртасидаги майдондаги мева дарахтларининг шохлари ҳрсилдан майишиб ётибди. Таажжубки, шунча яшиллик, йўлаклар четида гуркираб ётган райхону атиргуллар камлик қилгандек, қаердаки бир кафти очик жой бўлсаям, тувакка экилган гуллар кўйилган.

“Дарахтлар, гуллар ҳам соғлом мухит, яхши кайфият, муסיқани ёқтиради”, - деган гап ёдимга тушди. Чунки бу хонадон бекаси Ўктамхон Солиевани илк бор кўрганимда: “Юзи офтобли экан”, деган фикр кўнглимдан ўтганди.

Бир қарашда, қишлоқда улгаймок, келинлик, оналик бахту масъулиятлари, қишлоқ хонадонининг фурсату мавсум танламайдиган юмуш-ташвишлари, ўзи танлаган соҳада ишлаш... миллионлаб аёлларнинг тақдирига ўхшайди. Аммо... Ҳар доим ҳам ғойибдан бахт келавермайди. Оддий ёгочни йўниб, ким ноёб санъат асарига айлантиради, кимдир кетмон соли ясаганим удалай олмаслиги мумкин.

- Раҳматли отам жуда қаттиққўл эдилар, - деб эслайди Ўктамхон. - Бир лаҳза бекор

ўтиришимизга рухсат бермасдилар. Ўзлари иккинчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб қайтгандилар, ҳаётни жуда қадрлардилар. Турмушга узатишганидан кейин ҳам уйимизга борсам, дастурхон ёзилиб, битта иссиқ таом ейилиши билан дадам: “Қани энди уйинга бор! Бу ерда ўтирма. Бизни кўрдинг, соғ-саломатмиз. Ҳовлининг бир чеккасида ўсиб чиққан

шишга интилиб яшарлар?”

- Урушдан кейинги қийинчилик йилларида йигирма етти жондан иборат катта хонадонга келин бўлиб тушганман, - ўз ҳаётини мактабини ҳикоя қиладди Қимматхон буви. - Ҳаммага бир косадан овқат ташиб, қозонтовоқни саранжомлаб келгунимча, дастурхон куп-қуруқ бўларди. Ушанда: “Агар мен қайнона бўлсам, келинимни ҳечам оч қолдирмайман”, деб ният қилганман.

Ҳаётда бундай воқеалар ҳар хил кўринишда учраб туради. Лекин кечмиш-кечирмишлари-

ҳам ўқшдан қолмаганман. Кейинчалик ишлаган пайтларимда ҳам уйда қолган болаларимдан заррача хавотирланмаганман. Набиралар улгайиб, катталарининг ўзи ота бўлсам, Қимматхон бувини “Жон бувим” деб ёш боладек эркаланадилар.

**“Қарс икки кўлдан чиқади”.** Келиннинг миннатдорчилигини қайнонанинг кўнгли тўлиб айтган гаплари тўлдирди:

- Ўктамхоннинг одати яхши, бир гап айтсанг, қулиб эшитиш, ерда қолдирмайди. Кейин Аллоҳ юқтирган фазилатлари кўп. Мактабда иш бошлади-ю, ҳеч қанча вақт ўтмай яхши ўқитувчилар қаторида тилга тушди. Келин ҳам бировнинг азиз боласи, кўнглида орзу-ниятлари кўп. Нима учун мен унга ёрдам бермай? Шеърлар ёзади, анча-мунча санъаткорлар ҳам ҳавас қилдиган овози бор, машҳур ҳофизларнинг катта ашулаларини айтади.

Тўиларга рухсат йўқ, аммо элюртнинг катта тадбирларида сахнага чиқишига ўзим рухсат бераман.

**ЭСЛАТМА: - Газетамизнинг ўтган сонида Ўктамхон Солиеванинг «Мурувват» сарлавҳали мақоласи чоп этилганди. Таҳририятдан**

**“Бахт ўз уйингдан бошланади...”**

XXI асрга келиб, дунёнинг қай бир мамлакатларида бу ҳикмат ўз аҳамиятини йўқотган бўлиши мумкин. Аммо шарқ халқлари, айниқса, ўзбек аёллари учун ҳақиқий бахтнинг пойдевори оилада қўйилади.

Ўктамхон Солиева Фарғона водийсининг бир вақтлар яйдоқ чўл бўлган Езёвон туманида ташкил топган Чўли Гулистонни - она қишлоғини дунёнинг энг чиройли, сўлим, одамлари бебаҳо маскани деб билади. Шу ердаги 22-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс беради. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, бошланғич таълим устаси.

Бу йил Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган “Аёл - баркамол авлод мурабийси” кўрик-танловининг

дан ҳар ким ҳар хил хулоса чиқаради.

Қишлоқ хонадонида ҳар куни камиди бир тандир нон ёпилади. Ўктамхон келин бўлиб тушганда, ҳамир қилишни билмасди.

- Қарасам, ҳамир қилишни эп-лолламапти, - қулиб сўзлайди Қимматхон буви. - Ҳамир қилишни, нон ясашни, ёпишни ўргатдим. Иккинчи куни ўзи бинойидек саватни тўлдириб, нон пишириб келди. Ҳозир маҳалау кариндошлар орасида Ўктамхоннинг нону патирлари овоза бўб кетган.

Бу - бир мисол. Қимматхон буви ҳамма келинларини мана шундай меҳрибонлик, бағрикенглик, тадбиркорлик билан рўзгор тутишга, муомалау муносабатга, меҳмон қутишга ўргатди. Жамиятда ўринларини топиб, эл-юрт хурматини қозонишларига сабаб бўлди.

- Келин бўлиб тушганимдан кейин Марғилон педбилим юртининг бошланғич таълим бўлимига кириб ўқидим. Ёш болаим қайнонам катта қилдилар, бир кун



ажриқни юлиб тозалаб қўйсанг ҳам, ўша фойда”, - дердилар. “Яхши қиз маҳалласидан чиқмас”. Аслида, Ўктамхоннинг чарқсанг овоз етадиган қўшиникига келин бўлиб тушишига аввало меҳнатсеварлиги сабаб бўлган эса, ажабмас.

- Ўктамхонни келин қилганимга йигирма беш йил бўлди, - сўзлайдилар Қимматхон буви. - Ёшлигидан биладан. Даладан қайтишда ҳар куни бошимизга бир чойшаб ўт қўйиб келардик. У пайтларда мактаб ўқувчилариям далага чиқишарди. Шомда уйга қайтарканман, Ўктамхон бошимдаги катта тугунни оларди-ю, ҳовлимизга гурсиллатиб ташлаб кетарди. Мамаюсуфим уйланадиган бўлганда, кўнглимга: “Ўктамхонни келин қилсамми?” деган хаёл келди, уйдагиларнинг ҳаммасига маъқул бўлди.

**“Ўхшатмагунча учратмас”.** Аммо тақдир ҳар доим ҳам бир-бирга муносибларни учраштирармикан? Балки, узокни кўзлаған одамлар тақдир қўшилғач бир-бирларига ўхшашига, мосла-

туман, вилоят босқичларида ғолиб чиқиб, республика миқёсида беллашувга йўлланма олди. Танлов шартларини бажаришда дадиллиги, ҳаёт ва китоблардан олган билиму тажрибалари кўл келди. Синглиси

Ҳосиятхон билан жўровозликда “Эй, дилбери жононим” катта ашуласини бошлаганда, томошабинлар мисоли сеҳрланиб қолдилар. Ноёб ва ўктам овоз, санъаткорона ижронини узоқ олқишладилар. Танлов ҳайъати аъзолари Ўктамхон Солиевани биринчи ўринга лойиқ деб тойдилар.

Уша лаҳзаларда Ўктамхон қутилмаган қувончдан ҳаяжонда, бахтиёр эди. Бир зумда ўзини қуршаб олган журналистлардан узр сўради-да, четроққа ўтиб, қўл телефонига рақам терди, юзлари чарақлаб сўзлай бошлади:

- Дадаси, ассалому алайкум! Мен биринчи ўринни олдим! Бунга сабаб ота-оналаримиз, сиз, фарзандларимиз! Бахтимга соғу омон бўлинглар!

Кейин ўзини кутаётган журналистлар даврасига қайтиб, саволни ҳам қутмай, дил сатрларини ўқий бошлади:

**- Ҳаёт синовларин билмас эканман, Таҳририятдан**

**Меҳрибоним, онам, бердингиз сабоқ. Гар ишда адашсам, қулиб юпатиб,**

**Кўнгил гашиқларин этдингиз йироқ.**

**Бекиёс меҳрингиз учун, онажон,**

**Мен сизни атагим келмас қайнона.**

**Онам улгайтирди, сиз бахт бердингиз,**

**Иккингиз мен учун энг азиз она!**

Юзлари офтобдек чарақлаб турган Ўктамхонни қузатарканман, кўнглимдан яна бир ҳақиқат “ярк” этиб ўтди: онажонлар розилиги, дуолари бизни доим қўллаб-қувватлайди, асради, саодат эшиқларини очди, ганимат умр йўллари қулларга тўлдирди.

**Мухтарама УЛУФ, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.**



Жиззах вилоят телерадиокомпанияси ходимларининг ўзагини хотин-қизлар ташкил этади. “Жиззах тонги” ахборот-муסיқий теледастурининг, ҳар куни 9 соат мобайнида FM тўлқинлари орқали эфирга узатиладиган “Сангзор” радиосининг ўз эшиттиришлари билан мухлислар қалбидан жой олиб улгурганида уларнинг салмоқли улуши бор. Хусусан, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” Ленуре Адилшаева, Оппоғой Ботирова, Нодира Олимова, Турсуной Зокирова, Гулчехра Шарипова каби журналист ва бошловчилар тайёрлаётган кўрсатув ҳамда эшиттириш-

ларни мухлислар орзиқиб қутишади. - Ижодкор аёлларимиз томонидан тайёрланаётган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар самимийлиги, кўнгилга яқинлиги билан ажралиб туради, - дейди вилоят телерадиокомпанияси директори Эркин Шермонов. **СУРАТДА: “Сангзор” радиоси бош муҳаррири Сайёра Тўхтаева(чапдан ўнгга) ҳамда муҳаррирлар Оппоғой Ботирова, Нодира Олимова-лар янги дастурлар сценарийсини муҳокама қилишмоқда.**

**Д. ИБРОХИМОВ.**

**Яқинда наманганлик опа-сингилларимиз билан учрашиб қайтдик. Вилоятда амалга оширилаётган ишлар, янги режалари ҳақида хотин-қизлар сардорлари ҳикоя қилишди.**

**Дилором АБДУРАХИМОВА** — Наманган вилояти ҳокими хотин-қизлар ишлари бўйича котибият муdiri:

— Фаолиятимиз доирасида Хотин-қизлар кўмитаси томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажариш, ижро тўғри олиб борилиши, янги-янги ташаббусларни омалаштириш, аёллар ҳаёти, оиладаги муҳит... ҳаммасини икки-чикиригача ўрганишга тўғри келади. Бу борада бизга жойлардаги хотин-қизлар раислари, маслаҳатчилар яқиндан ёрдам берадилар. Эндокринология диспансери, она ва бола Скрининг маркази, саломатлик институти, ОИТС маркази сингари қатор тиббиёт муассасалари мутахассислари билан ҳамкорликда маҳалла маслаҳатчилари ўртасида семинар тренинглари, тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирдик. Албатта, авваламбор аёлнинг саломатлиги мустаҳкам бўлиши керак. Вилоятдаги туғруқ ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. 745 нафар аёлга даволаш-профилактика муассасаларига, 78 нафарига имтиёзли равишда дам олиш масканларига йўланма берилди.



**Тоҳирaxon МУЙДИНОВА** — Косонсой тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Бир куни хар хил соҳа мутахассисларидан гуруҳ йиғиб, қишлоқларга чиқдик. Хотин-қизларнинг муаммоларини ечиш учун суҳбатлашиб олмоқчи эдик. Чекка бир қишлоққа борсак, йиғилганлар сони 10 кишидан ошмабди. Маслаҳатчидан: "Хотин-қизларнинг шуэнчалик ҳафсаласиз бўлиб кетганими?" - деб сўрадим. У ерга қараганча, баъзи аёлларнинг эрлари: "Бу маж-

лисларинг сенга нон берармида?" - дея тадбирга қўйишмаганини айтди. У билан ўшандай аёл — Лобархоннинг уйига бордим. Эри ҳам уйда экан. Ундан норозилигининг сабабини сўрадим. У: "Ўзи қийналиб турганимизда, кўрпани бошимизга тор-тсак оёғимиз кўриниб турганда, мажлисвозлик нима бор?" - деди. "Нега аҳволингизни маслаҳатчи билдирмадингиз?" - дедим. "Маслаҳатчи меннинг рўзгоримни қилиб берармида?" - дея яна терс жавоб берди у. Эркаҳ ҳеч жойда ишламас, 4 нафар воёга етмаган фарзанди билан озгина томорқасидан чиққан даромадга кун кечириркан. Унга давлатдан яқна тадбиркорлик учун кам таъминланган оилаларга бериладиган "кредит-қарз" олиб бердик. Эр-хотин бу пулга 100 та товۇқ олиб, паррандачилик билан шуғуллана бошлашди. Кейинги борганимизда мажлисимизга биринчи бўлиб Лобархоннинг келганини кўрдим. Эри ташқарида кутиб турган экан. Минг хижолатпазлик билан "Уша гагим учун кечиринг", - дея уэр сўради. Товуқлари 500 тага етганини, ҳатто кўни-қўшчиларига ҳам товуқ бериб тадбиркорликка жалб қилаётганини айтди. Хурсанд бўлдим. Бирники мингга деганлари шу-да.

Хозир туманимизда худди шундай шартнома асосида уй меҳнати билан шуғулланаётган аёллар 598 тага етди.



**Марҳабохон АХМЕДОВА** — Чуст тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Суҳбату тадбирларга ҳафсаласизлик, ишонсизликнинг сабаби нимада? Уша худуддаги маслаҳатчининг пассивлигида, деб ўйлайман.

Бизда ҳам гоҳо юқоридегидек воқеалар бўлиб қолади. Бу пайтда уша маҳалла ёки қишлоқ йиғинининг маслаҳатчиси ёр-

дамга борамиз. Уни бошқа илгор маслаҳатчилар тажрибасини ўрганишга юборамиз. Ҳар шаба уларни ҳокимиятда ташкил қилинган маслаҳатчилик учун ўқув курсларига жалб этамиз. Навбахор маҳалласи маслаҳатчиси Раҳимахон Орипова 200 дан зиёд аёлларнинг бошини қовуштириб, ибратли ишларни амалга ошираётти. У ёш, ўзини эпломлаётган, нотинч оилаларни тажрибали оилаларга талаққа бериб, катта муваффақиятга эришди. Эри қамалиб 3 фарзандни тарбиялашга кучи етмай қолган онаизор бугун маслаҳатчидан мамнун. Ахир унинг фарзандлари ҳам иқтидорли болалар мактаб-интернатда тахсил олаётти-да.



**Марғуба МУХИДДИНОВА** — Тўрақўрган тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Туманимизда 150 дан ортиқ тадбиркор аёллар фаолият кўрсатишяпти. Бу билан улар юрт таъриқига, эл фаровонлигига ўз улушларини қўшаётган бўлсалар, яна минглаб одамларга иш ўринларини яратиб беришяпти.

Масалан, Ертепа қишлоқ фуқаро йиғинида Маъсудахон Содикованинг жонқуялиги билан ташкил бўлган "Дилрабо - СДА" кичик корхонасида 60 дан зиёд опа-сингилларимиз тикувчилик, зардузлик билан шуғулланмоқдалар. Маъсудахон ўз махсуслотларини халққа етказадиган савдо шабоҳчаси очиб, яна талайгина иш ўринларини яратди. "Турақўрган - Лола" аёллар ва ёшлар маркази бошлиғи Лола Абдуқалимова 12 нафар аёлни, "Бизингруд Турақўрган" маъсуляти чекланган жамият раҳбари Шарафатхон Турдалиева 40 та чеварни иш билан таъминлади. "Валигон БВК" тўқувчилик хусусий фирмаси бошқарувчиси Адолатхон Бобоева эса кам таъминланган оилалар аъзоларини ишга жалб қилиб,

кексаларнинг дуосини олаётти. Умуман, "ишлаган одам тишлайди", "ҳаракатда баракат" деган ҳикमतлар бекорга айтилмаган. Бахтли ҳаёт эса ёмғир эмас, осмондан ёғмайди...



**Ферузaxon ЖАЛОЛОВА** — Наманган шаҳар ҳокими муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Шаҳримиз Фаргона, Андижон вилоятларини боғлайдиган худуд бўлгани учун яхши воқеа ҳам, ёмони ҳам фавқуллода содир бўладики, шамол қаердан эсганини билмай қолсан киши. Шу боис ҳар қандай тадбиримизни маҳалладан ва мактабдан бошлаймиз. Ўзининг, болаларининг тинчлигини, соғлигини ўйлаган одам нохуш воқеанинг содир бўлишига йўл қўймайди.

Худди шу мақсадда Марказий кутубхонада 42-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари билан биргаликда "Боланинг бебошлиғи — катталарнинг оғриқ нуқтаси" мавзуда баҳс-мунозара ўтказилди. "Одамнинг ўз жонига қасд қилиши тўғрими?" деган саволга қизлар ҳар хил фикр билдиришди. 6 та қиз "нотўғри", 2 та қиз "тўғри" ва 2 та қиз "бу - охириги чора" деди. Бу ҳаракатни ёқлаганларга сўз берганимизда, улар: "Ота-онанинг тушунмаслиги оқибатида, маҳалла ва мактабда яққаланиб қолиш, севгани ташлаб кетиши туфайли, тузалмас касал бўлганда яқинларига ташвиш бўлмастик учун ҳаёт билан дулолашмоқ - энг маъқул йўл", дейишди.

Йиғилганлар, ўқитувчилар қизларга "ота-онага ўқитувчилар ёрдамида тушунтириш мумкинлиги, дўсти яққаласа, бошқа дўст топиши, севганидан айрилса, ҳаёт ҳали олдинда эканлигини..." мисоллар билан тушунтиришди. "Суиқасд"ни ёқлаганлар ўз фикрларидан қайтишди...

Бундай тадбирлар ҳар бир маслаҳатчининг, жойлардаги хотин-қизлар сардорларининг режасида бор.



**Шоира АБРОРОВА** — Поп тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси:



— Бизнинг хайрли ишларимизга саховатпеша ҳомийлар яқиндан ёрдам беришяпти.

Яқинда "Жавлонбек" ҳўжалигида яшовчи кам таъминланган оила соҳиб бизга муурожаат қилган эди. 4 фарзандини ёлғиз боши билан катта қилаётган экан. Эри Россияга кетиб, хотин, бола-чақани унутган... Маҳалла оқсоқоли ва фермер ҳўжалиги раҳбари Шохистахон Турсунова биргалашди, аёлнинг жонига оро киришди. 1 ўглининг суннат тўйини қилиб беришди. Аёлни иш билан таъминлашди. Уларнинг ҳолидан хабар олиш учун домий вақил тайинлашди.

Кўмакка муҳтожларга бу йил ҳисобиди 4 млн. сўмлик ёрдам бердик. "Ҳар бир болага меҳр-эътибор" шиори остида ўтказилган тадбирда эса болаларга 155 минг сўмлик совға улашилди. Бу борада хусусий нотариус Фарида Мадалиева, "Фазилат - медикал" хусусий шифохона бош ҳакими Фазилат Ганиевалар ҳамма бошқаларга ибрат.

**Булар наманганлик опа-сингилларимиз амалга ошираётган ишлардан бир қатра холос. Эзгулик кўнгилга тугилган жойда эса ҳамма муваффақият муқаррар.**

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

**БАХТИМИЗ ҚОМУСИ**

Шу кунларда юртимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллигига бағишлаб эълон қилинган "Хуқуқий савдохонлик ойлиги" давом этмоқда. Ойлик доирасида Тошкент Давлат Юридик институтида "Аёл хуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро хуқуқий меъёрлар" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тошкент Давлат Юридик институти ректори, сенатор М.Х. Рустамбоев анжумани очар экан, юртимиз хотин-қизлари фарзанд тарбияси билан шуғулланиш баробарида тадбиркорлик, иқтисодиёт, хуқуқий-ижтимоий соҳалар

ривожига ҳам иқтидорларини намоён этишлари, ўз хуқуқларини билишлари, аёлларнинг камситилишига йўл қўймаслик зарурлигини таъкидлади. Аёлларнинг хуқуқий савдохонлигини ошириш мавзусида маърузалар ҳам тингланди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ватанимизнинг халқаро майдондаги раванқи йўлидаги, хотин-қизлар ҳаёти, сиёсий фаоллиги, хуқуқий билимларини ошириш борасидаги амалий ишлар, эришилаётган муваффақиятлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида ёритилган энг яхши мақола, телекўрсатув, радиозинтириш ва фотокўргазмалар учун кўриқ-танлов эълон қилинганлиги катнашчиларнинг эътиборини тортди.

**Ахборот**

**Адиба УМИРОВА**

**МЕҲРИДАРЕҲ ЮРТ**

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ота-онаси ва яқинларидан айрилиб етим қолган 250 мингдан ортиқ болалар Ўзбекистонга эвакуация қилинган эди. Турли миллатларга мансуб бўлган бу болаларни халқимиз ўз фарзандлари қатори бағрига олди, уларнинг туридан жой берди, бир тишлам нолани баҳам кўрди, меҳр билан тарбиялади. Ўзбекона бағрикенгликдан ҳарорат олиб улғайган ана шу болалар бугун дунёнинг уяни нуқтасида яшамакин, Ўзбекистонни, уяни меҳридарё инсонларини самимиёт билан тилга олишяпти.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Соғлом авлод учун" ва "Хотира хиёбони" жағғармалари томонидан ташкил этилган

"Ўзбек халқининг жасоратини абадий ёдда сақлайлик" номи кечада шу ҳақда сўз борди. "Хотира хиёбони" фонди раиси, уруш йиллари юртимизга келиб қолган Станислав Мансуровнинг таъкидлашича, кечани ўтказишдан мақсад халқимизга хос бўлган юксак инсоний фазилатларни ёд этиш, уларни ёшлар онгига синдириш, ёш авлодни ватанпарварлик, тинчликнинг қадрига етиш ва уни авайлаб-асраш руҳида тарбиялашдир.

Тадбир доирасида Бош майдонимиздаги "Мустанжиллик ва эзгулик" монументига гуллар қўйилди. Тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ва Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар ҳаёти ҳақидаги ҳужжатли фильмлар ва фотосуратлар намойиши ҳам ташкил этилди.

**Ўз муҳбиримиз.**

Ойбекнинг "Қутлуг қон" романида Мирзакаримбой катта ўғли Ҳақимбойваччага ярим ҳазил, ярим чин маънода шундай дейди: "Отангиз бор, белингиз бақувват-да, ўғлим". Бу гап ростдан ҳам жуда тағдор маънога эгаллиги ҳеч қимда шубҳа уйғотмайди...

Оилада отанинг ҳам, онанинг ҳам, фарзанднинг ҳам ўз ўрни бор. Буларнинг ўрни алмашиб қолса, гўё қулғар калит тўғри келмаганидек, ўша жойда ҳаёт йўллари нотекислашади, бахтнинг эшиги ёпилади.

Отанинг қатъийлиги, онанинг оқила ва меҳр-парварлиги, фарзанднинг комиллиги ва қобиллиги оила иморатини мустаҳкамлайди.

Аммо ҳаётимизда учрайдиган баъзи ҳолларни кўриб, ёқа ушлайсан киши...

# ОТА-ОНАНИ ТЎРГА ЎТҚАЗИНГ...

Гоҳо қизлар ота-онасининг имконияти борми, моддий таъминоти кўтарадими йўқми, ҳисоблашмайди, баланд талаблар кўяди. Халқ ибораси билан айтганда "осма қозикча осадди". Бунинг жонли гувоҳиман. Турмушга чиқаётган бир қиз (тиббиёт олийгоҳини яқинда тамомлади) кўрмана учун отасига севган куёви учун "Нексия" машинасини шарт қилиб кўяди. Начора, суюкли қизининг сазасини қайтармай, ўзи миниб юрган "Нексия"нинг қадилитини куёвга топширади.

Ота тантиқ қизнинг илтимосини босиқлик билан қайтарса бўларди, давлати жуда ҳам ошиб-тошиб кетгани йўқ эди, лекин у ўз билганидан қолмади.

Султонхон ая Мансурова эридан сағир қолган беш ўғилни боқиб, тарбиялаб, ҳеч нарсага зориқтирмай, юртга қўшди, уйлаб, жойлади. Кенжа ўғли онасини ардоқлаб, бошига кўтариш ўрнига "акаларим қатори менга ҳам янги участка олиб бермадинг", деб онасига тегишли бўлган уйни сотиб юборади...

Бу воқеа емай едирган, қиймай кийдирган онанинг бошига гурзи билан ургандай таъсир қилади, соғлигини йўқотади. Нокўбил фарзанддан келган бу "ҳиммат" онанинг қаддини букади. Катта ўғиллариникида яшай болайди. Лекин келинлари олдида тиррик товон бўлиб яшаш онани оғир дардга гирифтор қилади. Ўша йигит Бош Қомусимиздан фарзанднинг ота-онаси олдидаги бурчини акс эттирган 66-моддани ўқиб кўрса бўларди, дейман. Бу моддада: "**Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар**", дейилган.

Этибор беринг-а, илтимос қилинмапти, мажбурий эканлиги таъкидланаяпти. Бу қуйма фикрларни фарзандларимизга сингдириб, қулোগига сиргадек тақиб қўйишимиз зарурга ўхшайди.

Ўрни келиб қолди, қадимдан қолган бир ривоятни айтиб берақолай.

Иброҳим алайҳиссаломнинг тушларида шундай баҳорат бўлибди: "Сенга жаннатда бағдодлик Ҳасан бўзчи ҳамроҳ бўлади".

Иброҳим пайғамбар уйғонибди ва: "Мен билан жан-

натда бўладиган Ҳасан бўзчини бир кўрай, танишай, у қайси амаллари учун жаннати бўларкан?" - деб йўлга тушибди.

Бағдод шаҳрига келиб, Ҳасан бўзчини излаб топибди, унинг қулбасига кўнибди.

Меъзон икки қозонда икки хил овқат тайёрлабди. Бир хонадан ипак матога ўралган болани олиб келиб овқатлантирибди, оғзини артиб, илқ сувда чайибди, сўнг уни авайлаб нариги хонага қўйиб чиқибди. Иккинчи қозондаги таомни келтириб, меҳмонни сийлабди.

Иброҳим алайҳиссалом сўрабди:

- Овқатлантирган ўғлингизми, қизингизми?

- Йўқ, у менинг юз йигирма ёшдан ошган онам.

- Аёлингиз, ўғил-қизларингиз қаерда? Нега улар қарашмайди?

- Мен онамни деб уйланмаганман, - дебди Ҳасан бўзчи.

- Хали онангиз шивирлаб нимадир дегандек бўлди...

- Онам тани-боши соғ ва тилдан қолмаган пайтда "Ё, Алло, менинг ўғлимга Иброҳим пайғамбарнинг даражасини бер", - деб дуо қиларди. Ҳозир ҳам шу дуосини такрорлади...

Ҳа азизлар! Ота-онани тириклигида рози қила олган, кўпдан-кўп дуосини олган фарзанд одамларнинг янғ яхшисидир. Ундайлар албатта тинч, осуда яшаб, ҳалол ошларини дўстлар билан баҳам кўрадилар. Ота-она розилигига эриша олмаган нобакор фарзанд қариганда ҳам хорлик ва зорликда умрини яқунлайди. Биз буни ҳаётда кўраёلمиз, ахир...

Эй, дўсти азизим, бугун ота-онангизга кўпроқ салом беринг, хизматига камарбаста бўлинг, ёлғизлатиб меҳрга зор қилманг. Ёлғиз ота-онамизни тўрға ўтқазиб қўйиб, орзу-ҳавасларини сўзсиз бажо келтиришга ури-найлик, эртага оиланинг тури, шубҳасиз бизники бўлади. Армон, пушаймон ва надомат бизга яқинлаша олмайди.

Фарзандларимиз тинч ва файзли умр кечиришлари учун бугун уларга ота-онани ҳурмат қилиш, ота-она розилигига эришиш йўлларидан сабоқ беришга эринмайлик. Зеро, ҳаётнинг азалии аъянаси шунчи тақозо этади. Эртага эса кеч бўлиши мумкин...

**Муборак САИДОВА,**  
Асака тумани ФХДЭ бўлими мудири.

Ешгина бир йигит онаси билан овулимизда пайдо бўлиб қолишди.

Уларнинг табиб деб таништирдилар. "Узоқ юртдан табиб келди", деган шов-шув тарқалди. Дам у, дам бу одамнинг уйида ётиб одамларни даволай бошладилар. Ён қўшимизнинг касал қизи бор эди. Табибни уйига олиб келди. Унинг уйида бир ҳафта бўлиб, ҳам қизини, ҳам бошқаларни даволашга киришди. Қўшимиз ночорроқ оила. Аммо қурби етса-етмаса-да, қизини даволатмоқчи.

- Қизингизни дардидан халос қилиш учун бир қора кўчқор топиб келинг. Қон чиқарсангиз янши бўлиб кетади, - дейишибди она-бола табиблар.

Бозордан қора кўчқор олиб келинди. Табиб бир бахоналар қилиб, ўша кўчқорни яна соттириб, пулини олиб кетди. Афсуски, унинг каро-

ган. Оқибатда ҳар бир одам кўзига дўхтир ёки табиб бўлиб кўринадиган бўлган.

Утган йили баҳор фаслининг охирида ўзига нотаниш бир аёл билан учрашиб қолган. Бу аёл ҳам буйрак касалидан кўп озор чеккан экан. Ўша аёл Сарсангул онага бухоролик номдор табибга бориб даволашиб, шифо топганлигини айтиб:

- Сиз ҳам шу табибга бир кўрининг, -деб маслаҳат берган. Энди гапнинг буёғини Сарсангул онадан эшитамиз.

- Катта ўғлим билан Бухоро қайдасан, деб йўлга чиқдик. Бухоро шаҳридан у ёқ-бу ёққа қатнаб турган такси ҳайдовчиларининг кўпчилиги табибнинг уйини биларкан. Номдор табибнинг уйига кун ботиш арафасида етиб бордик. Бизлар унинг рафиқаси кутиб олди. Узоқдан келганимизни билиб, меҳмондорчилик қил-

ган жой яхши бирлашсин, -деб маслаҳат берди.

Хом сўт эмган бандамиз, табибнинг айтганига ишондим. Ахир Оллоҳнинг номи билан айтилган сўзга ишонмай бўладими? Табиб талаб қилган пулни бердик. «Фалон сўм бера-сиз», дегандан кейин илож қанча. Тўғриси айтсам, табиб даволагандан кейин 3-4 ой буйракдаги оғриқ унчалик азоб бермай ўзимни яхши ҳис қилиб юрдим. Афсуски, қувончим узоққа бормади. Яна буйрак санчиғи тутта бошлади. Мен табиб билан суҳбатлашганимда художўй, пок одам экан, деб ўйлаган эдим. Чунки, уйда Кўрўонни сақлаб, беш вақт намоз ўқийди. Нима учун нафс балосига учраб, одамларни алдаб юрар экан. Нега виждони қийналмайди? Таажубланасан киши. Мен каби қанчадан-қанча бемор-

# КЕЙИН ПУШАЙМОН БЎЛМАНГ



матидан қиз соғайиб кетмади. Овул одамлари сохта табибдан алданиб қолганликларини кейинчалик билдилар. Қани энди, ўша табиб олиб кетган пули ҳалолми? Иймон-эътиқодли, художўй одам ҳаромдан ҳазар қилмайдими?

Бир даврлар "Рак касалини даволайман", - деб магбуотда шов-шув қилган наманганлик табиб кўпчилиكنинг эсида бўлса керак. Овулимиздан уч киши бедаво дардга учраб, ўша табибга одам юбориб, дорисидан олиб келишди. Лекин не ҳасратда олиб келинган дорилар наф бермади. Улар оламдан ўтдилар. Наманганга бориб келишининг ўзи бўладими? Касални даволаш қўлидан келадиган табиб олдиндан "Сен фалон сўм берасан", деб талаб қилмайди.

Агар бемор тузалиб кетса, у сўраганидан кўпроқ нарса бериши мумкин. Бир номдор дўхтир талаб қилган пулни олиб, танишларимиздан бировини операция қилди. Аммо ўша одам бир ойга бориб-бормай оламдан ўтди. Пул берган киши даъво қилиб бирор жойга бормади. Одамда виждон бўлиши керак. Аслида Сарсангул (исми ўзгартрилди) онанинг ҳасратлари ушбу мақола-ни ёзишга туртки бўлди.

Онахон бу йил олтиши икки қовун пишигини кўрдилар. Нафақага чиқиб ҳам далада ишла-сан. Саккиз нафар фарзанди, ўн етти невараси бор. Ёшлик йиллари қийинчилик билан ўтиб кетган. Фарзандларига бугунги маъмурчилик, тўқчиликнинг қадрга етинлар, деб насихатлар қилади. Сарсангул она бир неча йиллардан буён буйрак касали билан дард чекиб келган. Фарзандлари дўхтирларга кўрсатишган. Улар берган дори-дармон, маслаҳат билан бир мuddат соғлиғи яхши бўлиб юрган. Қўл текизмай даволаш сеансларига қатнашган. Бироқ буйрак санчиғи давом этавер-

ларни алдаб, қарғиш олгандир ахир. Буйрак оғриғи дардига учраб, озор чекиб юрганлар оз эмас. Бухоролик табибга бориб, мен каби алданиб, кейинчалик пушаймон бўлиб юрманлар демоқчиман.

Сарсангул онанинг сўзларини тинглаб, мен ҳам унга аччидим. Табибдан нафратландим. Чунки, кекса бир онахон йўл азобидан ташқари моддий зарар кўрди-ку. Соқол қўйиб, тўн кийиб, қавуш-махсида ўзини художўй кўрсатадиганларнинг ҳаммаси муулмон бўлавермас экан. Қалби тўғри бўлмаса, юз тубан кетаверади. Бундай нафс балосига учраганлар бир кунмас, бир кун Оллоҳдан жазосини олишар. Барча табибларга салбий баҳо беришдан йироқман. Беморларга нисбатан раҳмдил, меҳрибон, иймон-эътиқодли табиблар ҳам оз эмас. Қурўон карини ўқиб табиб-лик қилувчи одам аввало, иймон-эътиқодли бўлиши, ундан ёмон от қолмаслиги керак.

Президентимиз 2006-йилли "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилдилар. Бу широрда чуқур маъно ва мазмун бор. Ҳар бир ҳомий ва шифокор: «Мен бугун қандай савоб иш қилдим?» - деб ўзига савол бериши керак. Аслида халқ табиблари билан тиббиёт ходимлари ҳамкорликда ишласалар дард чекиб юрганлар сони қамайиб, турли хил норозичликларга чек қўйилган бўларди. Бемор мулойим сўз эшитса, ўзини енгил ҳис қилади. Доктор "фалон юз минг сўм берсанг, операция қиламан", деса, табиб фалон сўмини талаб қилиб олса, бемор тузалиб кетмаса, дардига дард қўшилмайди? Хулласи калом шифокор табибларга инсоф бериш, меҳру муруватли бўлишсин, беморлар норози бўлиб азият чекишмасин, дейимиз.

**Берди ДЎСЧОНОВ,**  
меҳат фахрийси,  
Элиқалъа тумани,  
"Қирққиз" овули.



- Албатта олиб келдим. Аслида танқидий нарсалардан кўп ёзганман. Хоразм телевидениесида ишлаганимда вилотиимиздаги камчиликларни суратга олиб кейин кўрсатувга тақдим этардим.

**- Камчиликлар бартараф этилармиди?**

- Албатта! Битта мисол келтираман. "Хоразм телевидениеси" да ишлаб юганимда, қайсидир касалхонадаги камчиликлар ҳақида лавҳа тайёрлашим керак бўлди. Мен касалхонага бордим. Барча камчиликларни суратга тўшурдим. (У пайтда видео йўқ эди. Суратлар телеви-

роқ ҳам йўқотиш мумкин эди-ку!

Матбуот аралашгач ҳаммаси тезда ҳал бўлди-қўйди. Шунинг учун матбуотни қадрлайман-да. "Хоразм ҳақиқати", "Хуқуқ" газеталарида ҳозир ҳам қатнашаман. Ҳаётдаги камчиликларни курсам ҳозир ҳам бефарқ қараб ўтолмайман.

**- Бундай фазилатлар сизга отангиздан ўтганими?**

- Ота-онадан ўтади-да. Отам раҳматли 95 ёшгача аравани судраб, рўзғордаги ишларни елиб-югуриб баҳариб юрардилар. Онам эса рўзғордаги ишлари-

**ТАШРИФЛАРИНГИЗ...**

Мен Миллий Кураш бўйича Бухорога қайтдик. Улғининг галабаси шарафига отаси катта зиёфат ташкил қилди. Кеча айна авжга чиққанда мехмонлардан бирига табрик сўзи берилди. Шунда у: "Чемпионимизни шу даражага етказган мана шу устози бўлади. Олтин медал аслида мана шу инсон меҳнатининг махсулидир. Аввало шу кишига раҳмат айтиб, қадаҳни устоз хурматиға кўтаришни тақлиф қиламан", деди. Қадаҳлар кўтарилди. Шундан кейин шогирдининг отаси менга қараб: "Домла, сиз ҳам бизнинг ўғлимиз орқасидан анча-мунча фойда кўрдингиз, шекилли. Ҳар тугул кўп марта мусобақаларга олиб бордингиз. Бекорга юрмайсиз-ку, тўғримиз?" - деди. Бу гапни эшитиб, чайнаётган луқман бўғзимда қолди. Бошимдан қайноқ сув куйилгандек бўлди. Нима деб жавоб беришни биларми талмовсиз раб турганим

**- Биздан нима хизмат, домла?**

- Шунчаки, қалбимни очгани, ўқисик кўнглимга малҳам излаб келганим.

**- Оилангизда бирор нохушлик бўлди?**

- Йўқ, оилам тинч, рўзғорим ўтиб турибди. Аммо қасбимдан хафаман, шу йўлни танлаганимга пушаймонман.

**- Нима учун, ахир давлатимиз томонидан спортга катта эътибор берилаяпти-ку. Қолаверса, Миллий курашимиз жаҳонга чиққан бўлса...**

- Албатта, албатта! Бу кунларни биз курашчилар қанчалар орзу қилгандик. Мустақилликдан кейинги спорт бўйича қилинган ишларнинг таърифиға сўз ожиз. Шу имкониятлар тўғрисида қанча-қанча шогирдларим жаҳон чемпиони бўлди.

ота-онаси, қариндошлари, дўстлари кутиб олишди. Биз Бухорога қайтдик. Улғининг галабаси шарафига отаси катта зиёфат ташкил қилди. Кеча айна авжга чиққанда мехмонлардан бирига табрик сўзи берилди. Шунда у: "Чемпионимизни шу даражага етказган мана шу устози бўлади. Олтин медал аслида мана шу инсон меҳнатининг махсулидир. Аввало шу кишига раҳмат айтиб, қадаҳни устоз хурматиға кўтаришни тақлиф қиламан", деди. Қадаҳлар кўтарилди. Шундан кейин шогирдининг отаси менга қараб: "Домла, сиз ҳам бизнинг ўғлимиз орқасидан анча-мунча фойда кўрдингиз, шекилли. Ҳар тугул кўп марта мусобақаларга олиб бордингиз. Бекорга юрмайсиз-ку, тўғримиз?" - деди. Бу гапни эшитиб, чайнаётган луқман бўғзимда қолди. Бошимдан қайноқ сув куйилгандек бўлди. Нима деб жавоб беришни биларми талмовсиз раб турганим

**ҲАЛОМЛИК ҲАЁТИМНИ**

**БЕЗАДИ!**

- Мен Қадамбой Иброҳимов бўламан. Хоразм вилоти, Янгиарик туманидаги Астана қишлоғидан келдим, - деди эрталаб тахририятимизга кириб келган алпоқматли отахон жилмайиб.

- Бир сизларни кўрай, тахририят ижодкорлари билан танишай, дедим-да. Аслида сизларга ҳаммас бўламан. Аввал ўқитувчилик қилганман. Тақдир тақозоси билан газетга ўтиб кетганман. Шу кунгача ижоддан тўхтаганим йўқ. 66 ёшга кирдим. Турмушнинг жуда кўп синовларини бошдан кечирдим.

**- Асарларингиздан ҳам олиб келдингизми?**

ни кўшиқ хиргойи қилиб юриб тиндирайдик. Ҳамиша хотиржам, жилмайиб турарди. Бировга қийинчиликлардан нолиган эмас.

**- Оила ва фарзандларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз...**

- Оллоҳга шукр, саккиз нафар фарзандларни рафикам Кумриой билан тарбиялаб, вояга етказдик. Ҳаммаси ўзларидан тинчишган.

**Биз Қадамбой ака билан суҳбатимизни тугаллаб, хуш-ҳандонлик билан хайрлашарканмиз, бир даста шеърларини узатдилар. Куйида Қадамбой ака шеърларидан ўқийсиз.**

Басира САЙДАЛИЕВА

**"ҚОРНИМГА ЭМАС..."**



боғи эркак: "Эҳ, афсус, афсус, хом сўт эмган бандамиз-да", дея столни муштлади. "Бу нима деган гапингиз биродар, ахир бу одам пул учун юрганда шундай оддийгина яшамасди, ҳеч бўлмаганда тагида машинаси бўларди. Агар бу одам пул учун юрганда сенинг боланг ҳам чемпион бўлмасди. Нима камчилигингиз бор? - деб сўрашининг ўрнига айтган гапингни қара. Шуми устознинг қадрни, хурматини. Сен уйлайсан, ўғлим ўз-ўзидан шу даражага етди, деб. Лекин шу камтарин инсон тер тўкмаганда у ҳеч ким бўлолмасди. Суф-

**ҚАБРДАГИ "ОЛТИН ТОЖ"**

Охирги манзилга кузатмоқ учун,  
Дўстнинг видосига бордик бош эгик.  
Уйда гала-говур, беҳаловат кун,  
"Жудодлик азоби", дея тушундик.

Ички уйда галма-гал:  
"Отажоним, вой отам"  
Боши эгик уч ўғлон,  
Туттишганлар "зўр мотам"

Деса, кимдир бандалик,  
Ўғил кўзи ёшланар.  
Узоқ-қичи ҳар жойда  
Шивир-шивир бошланар.

Ота ётди уч йиллаб,  
Туролмайин тўшқадан.  
Бир қайрилиб боқмади,  
Биронтаси эшикдан.

Ота ётар жонсарак,  
Ўлим билан олишиб.

Учта ўғил гап сотар,  
Молу-мулкни талашиб.

Мана энди ота ҳам,  
Кетди, "борса-келмас" га.  
Сохта обрў ортидан,  
Чопиш керак нокасга.

Энди ота дийдорин,  
Кўришга йўқ ҳеч илож.  
Энди қўймоқ на ҳожат  
Тош қабрга "олтин тож".

**КАМПИРИМ**

Осмондаги офтобим,  
Ўқилмаган китобим,  
Бўшинамга ёстиқсан,  
Қочиб қолса сал тобим,  
Дардга дармон кампирим.

Бердинг ширмой нонингдан,  
Азиз кўриб жонингдан,  
Бир қадам ҳам нарига,  
Юбормайсан ёнингдан,  
Кампирим, жон кампирим.

Чарчамайсан, толмайсан,  
Гапга қулоқ солмайсан,

Қайда тўю-томоша,  
Бўлса ҳеч ҳам қолмайсан,  
Элда мастон кампирим.

Қуёшингман, ойингман,  
Новот билан чойингман,  
Кўп кўрмасин Худойим,  
Бағрингдаги бойингман,  
Қилма сарсон кампирим.

Мададкорим ўзингсан,  
Вафодорим ўзингсан,  
Бисотимдаги давлат,  
Ҳам савлатим ўзингсан,  
Буюк инсон кампирим.

Сандиқдаги тилломсан,  
Юрак-бағрим тилмасан,  
Сендан бошқа сулуғим,  
Йўқлигини биласан,  
Рашк қилма жон кампирим.

Бошдан олдим саллани,  
Қотирма кўп каллани,  
Даврага туш айтилик,  
Чол-у кампир яллани,  
Тилло-маржон кампирим.

Қадам ИБРАГИМОВ,  
Хоразм

**ЭҲ, ЭРКАКЛАР...**

Тахририятимиз йўлагидан ўрта ёшлардаги, кўлида катта сумкаси бор бир йигит:

- Кеннойи, "Оила" бўлими шу ердами? - дея сўради. Мен "ха" деганимдан сўнг дарҳол мақсадга ўтди:

- Энди, опа, гап бундай, мен Кўйлик бозорда арава тортаман. Кўқонда қолган хотиним, болаларимга уч-тўрт сўм юбориб турирам. Иссиқ кунларда араванинг устига тўнинни ташлаб ётиб кетаверардим. Лекин ҳозир кунлар совида. Ёгин-сочин бошланди. Эрта-индин қор ёғиб қолса аҳвол чатоқ-да. Кўчада ётиб бўлмайди. Ижара ҳақи қиммат. Баҳоргача мен билан яшаб турадиган аёл бўлса дегандим.

Унинг гапларидан жаҳдим қикса-да:

Биз аввало оиласидан ажрашган, турмуш қуришдек жиддий нияти бор инсонлар билан гаплашамиз, - дедим.

Навбатдаги "куёв"ларимиздан бири кириши билан хонага ачимсик тер ҳиди анқиб кетди. Эркак Чирчиқдан келган экан.

- Бу ерга анчадан буён қатнайман. Лекин бирорта аёлга маъқул бўлмаяпман, - деди у.

Эркак пешонасидаги терни артмоқчи бўлди, шекилли чўнтақларини кавлаб рўмолча излади. Тополмагач, пешонасидаги терни қафти билан сидириб ташлади.

Бошдан ўтганларини гапираркан оғзидан тугуқлари чиқиб кетар, столимдаги дафтарларимга сачраб кетарди. Охири бўлмади. Туриб ташқари совуқ бўлса ҳам эшик билан деразани очиб, сал елвизак қилиб қўйдим.

Бу эркакнинг нима учун ханузгача бирорта аёлга маъқул бўла олмагани тушунарли эди. Эркак кетгач, тахририятга ўз жуфтини топиш илинжида келганлар кўп олдимиға келди. Кўнчилиги, айниқса эркаклар бир аҳолида келишади. Тўғри, ёлғиз қолган, уларни айблаш ниятимиз йўқ. Лекин ҳаммасининг ўғил-қизлари, келинлари бор-ку! Наҳотки оталари ёки қайноталарини шу қадар қаровсиз ташлаб қўйишса? - деган фикр хаёлимдан ўтди.

Инсонга умр хар-хил берилган. Кимдир жуфтидан олдин, кимдир кейин кўз юмади. Лекин ҳаёт барибир давом этаверарди. Жуфтдан айрилган эркаклар эса... Яқинларининг меҳридан ҳам айрилаётгандек туюлади менга.

**ГУЛБАШАКАР тайёрлади.**

Спортчиларнинг галабаси билан чет элларда мадҳиямиз янграб, байрогимиз қурилишининг қадрини менимча спорт устозларичалик ҳеч ким ҳис қилмасе керак.

**- Тўғри, шогирдларнинг ютуғи устозлар-ку, аслида.**

- Ҳа, баракалла. Биласизми, битта спортчини тайёрлаш учун йиллаб меҳнат, сабр-бардош, жон қойитиб ишлаш зарур бўлади. Менинг умрим ҳам худди шундай меҳнат билан ўтди.

Кўллаб шогирдларим борлигидан қувонаман. Мен уларнинг барчасини фарзандим деб билаламан. Ҳеч қанақа моддий манфаат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ниҳоят орзуларим ушлайб 4 та шогирдим ўз вазнида жаҳон чемпиони бўлди. Қувончимни таърифлаб беролмайман.

**- Табриклаймиз, шунча ютуққа эришиб яна нега пушаймонсиз?**

- Яқинда ўша шогирдларимдан бири чет элдан қайтиб келди. Унинг олтин медал билан қайнаётгани қалбимни тўлқинландирди. Ҳатто Бухорода кутиб туришга сабрим етмай, Тошкентга келиб аэропортда қарши олдим. Уят бўлса ҳам айтаман, йўл пулини ҳам маошимни ҳисобиға қарз олдим. Шогирдини яна

е, сенга", - деди-ю, жойидан туриб кетди. Бу одамнинг гапидан кейин йиғлагим келди. Кўзимдан ёш чиқиб кетишдан қўриқиб, мен ҳам чиқиб кетдим. Шогирдимнинг отаси ортимдан қақириб қолди. Шундан бери ўзимни қўярга жой тополмайман.

**- Шогирдингиз бунга қандай қаради?**

- Эртаси кун отаси билан бирга кечирим сўраб келди. Мен уларга хафа эмаслигимни айтдим. Лекин негадир ишимдан кўнглим совида, машғулот залига боргим келмай қолди. "Қорнимга эмас қадримга йиғладим", деган гап бор. Мен айна дамда шундай ҳолатни бошдан кечириаяпман...

**- Домла, тўғри яхши гап бўлмабди. Лекин инсон, айниқса устозлар кенг фикрли бўлади. Сиз бир шогирд ёки шахсга нисбатан эмас, балки ватанга хизмат қилиш ҳисси билан яшанг. Шундагина бу гаплар майда ва таъсирсиз кўринади. Ахир айтирдингиз-ку, чет элларда ватан байроғи қилирашини бошқача ҳис қиламан, деб. Шу ҳис билан яшанг устоз!**

Матлуба ШУКУРОВА

**Т**ўрт бола ва эрининг осойишталигига жоннисор этган онаизорнинг бошига тушган машаққатлар афсус ва надоматлар уйғотади. Комилахон фарзандларига ўз умрини бахшида этди. "Болаларим ош-овқатсиз қолади", - деб

шاپалоқ урган экан. Сўнг у ухлаб қолган эди. Уйғониб ўзига келди. Унга: "Маст бўлиб онаннга азоб бердинг", - дедилар. Йигит бу сўзни эшитиб, пичоқ билан ўз кўлини кесди. Онанинг назари ўғлига тушиб, кесилган кўлини кўргач, ўз

**"Оиласини деб..." 39-сон**  
**ЭСАТМА:** Синглим ўз хонадонини бола қилди. Уй қуришди. У эркаклар билан баравар ишлади. Енгил-елпи юравериб, ўпқасини шамоллатиб қўйди. Фарзандларининг ташвишини деб ўз вақтида даволанмади. Энди қариб, касали оғирлашганига улардан меҳр кўрмапти.  
 Муаллиф: Гулбашакар.

хўрлаган хотин куясига уч-рар". Куясига яъни доғига, дард-аламига учрайди. Муҳаббатхоннинг куёви! Уйланиб тўрт болали бўлдингиз, уй қурдингиз. Буларнинг ҳаммаси яхши. Лекин қўлингизни кўксингизга қўйиб айтинг-чи? Қурилишда сиздан кам бўлмай ғайрат қилган хотинингиз ка-

фаровон; тўрт фарзанднинг бахти тугал бўлади-ку. Яна шунга таъкидлашни истардик-ки, ҳар бир мусулмон эр ўз хотинига зарур бўлажак нарсаларни ҳозирлашга ва хотинини ҳар бир оғирликлардан сақлашга бурчли эканлиги муқаддас китобларда келтирилган. Бундай эр азиз болаларига

# ОНА ҲАҚКИ

# ПОЙМОЛ БЎЛМАСИН

касалга чалинди. Оиласи, болаларининг дуосини қилди. Дуолари ижобат бўлиб, тўнғич ўғил олийгоҳга кирди. Ўғлининг институтга кирганидан қувониб, бирга овқатланмоқчи бўлган онанинг ўғлидан эшитгани: "Ойи, намуноча паравозга ўхшаб ғижиллайсиз, одамнинг иштаҳасини бўғиб?" - деган даҳшатли сўзлар бўлди. Онадан ор қиладиган ўғил, дўппингни ёнингга олиб қўйиб, бир ўйлаб кўрмайсаними? Бир ривоятни тингла... Олами фотиждан боқийга сафар қилган бир йигит бўлган экан. Элт-иб лаҳадга дафн қилибдилар. Шу замон гўридан эшак овозига ўхшаш бир овоз чиқибди. Гўр олдидаги ҳалоник ҳайрон бўлиб, аниқлаб кўришса, бир кун у онасига: "Эшакдек кичқирма", деб ўшқирган экан. Бундай куфр сўз учун гўр шундай қилса, онасини ранжитганларнинг ҳолига воқим, уларнинг ахлоли не кечаркан!



орғини унутиб, ўғлининг оёғига йиқилди ва деди: "Эй жигаримнинг пораси, вой кўзимнинг равшани кўлингни ким кесди?" Ўғли онасининг оёғига бош қўйиб: "Эй она, кўлимини сенга беодоблик қилган учун кесдим, унинг жазоси шудир", - деди. Бу воқеа Пайғамбар алайҳиссаломнинг хузурида бўлиб ўтганлиги учун унинг дуоси билан йигитнинг кўли асли ҳолига келган экан. Яна бир нарсани тайин айтиб қуйай, ота-онасига муҳаббат қилган болалар ўз болаларидан ҳурмат кўрарлар. Ҳар ким нима эҳса шуни ўради. Онани зор айлаган ўзини хор айлайди. Талаба чирғим, сенга тест-саволи бор. Унга талабаларга хос виждонан аниқ жавоб топасан, деб умид қиламан. "Ду-

нэда энг қарзи кўп ким-у, ҳаққи кўп ким?" Мўлжал олишинг учун мен ўз жавобларимни айтмай. Дунэда энг ҳаққи кўп одам-бу ота-онадир. Чунки улар фарзандларини боқиб, одам қаторига қўшиб, қарздор қилганлар. Энг қарзи кўп эса фарзандлардир. Толиби ҳикмат ўғил, сенга бир нарсани айтиб қуйай, қиёмат қарз: Жаҳонда нима-ики жўшқин ва қайноқ бўлса, унга она меҳри тимсол, нима-ики чидамли, сабртоқатли бўлса, она иродаси тимсол.

Кимда-ким меҳридарёлик даъво этса, онанинг пок қалби тимсол. Шунчалик хайрли бойлиқни қўлингдан чиқармайсан деб ишонман. Муҳаббатхоннинг айтишича, синглисига эри: "Сенлар авлодинг билан касалсанлар, касаллигинг болаларимга юқсини мумкин", - дебди. "Мард хотинини қаритмас", дейди халқимиз. "Хотин-эркак кишининг энг яқин йўлдоши, сирдоши, кўмақдоши. Сен агар ақлли, одобли, мард эркак бўлсанг, хотинингни чин дилдан ҳурмат қил, унга ҳар жиҳатдан кўмақлаш, оғирини енгил, мушкулни осон қилиш ҳаракатида бўл, уни асло хафа қилма, урма, сўкма, хўрлама, ғам-ғуссага ботириб юрма", деган маънода насиҳат қиладилар. "Хотин

салликдан ўзга қандай меҳр-оқибат кўрди. Сизга бор-йўғини фидо қилган жонни авайлашга ярадингизми? Ё хотинингиз касаллигини тўрт болангиз туғилиб катта бўлгандан сўнг, қурилишингиз битгандан кейин билиб қолдингизми? Хотинингизнинг авлод-аждоди касаллигини билар экансиз, нега уйландингиз? Шу фидокор жон тўрт фарзандни дунёга келтириш азобларини тортаётганда қаерда эдингиз? Хотинингиз касаллиги ваҳидан биронта дори ичмаган экан. Бунда сиз ўзинингизни айбсиз деб ҳисоблайсизми? "Яхшилик қўлингдан келмас экан, ёмонлик ҳам қилма", - дейди халқимиз. Сизга айтар сўзимиз шуки, ҳеч бўлмаганда ўз жуфти ҳалолингиз, болаларингиз онасининг асабларини аясангиз бўлармиди? Ғамхўрлигингизни оширсангиз хотинингиз соғ-саломат, рўзғорингиз

меҳру-шафқати даражасида оқибат қўрсатиб, хотинини барча машаққатлардан сақлайди. Яна шунга эслатмоқчимиз-ки, шу сизга маъқул бўлмай турган аёл отаси ва жигарларининг азиз боласи-ю, кўзларининг қораси бўлган. Шундай бўлишига қарамасдан меҳрибонларидан айрибди, сизга ёр бўлди, ҳар бир ишоратингизга тайёр турибди. Тўрт фарзанд, тўқсиз уй-жой, фаровон рўзгор ҳаққи ҳурмати, оила низомига риоя қиласиз деб қаттиқ ишонмади. Хотинингиз ҳаққи сақланганида оила шарофати сақланади, хотин шод, ҳам саломат бўлади. Хотини ифратли бўлиши учун аввало эр ўзи ифратли бўлиши лозим. Она ҳаққи поймол бўлмасин.

**Мерган БЎМАТОВ,**  
**Самарқанд шаҳри.**

**Б**олалигимиз қишлоқда ўтган бўлса-да, лекин даярли барча қариндошларимиз шаҳарда яшашарди. Катта акам Чирчиқ шаҳрининг Аранчи қўрғонидан уй олганди. Янгам жуда меҳрибон ва вуновқ аёл бўлгани учунми шу акамнинг уйига келишни яхши кўрардик. Акам ҳам келганимизда бизни кўрага жой тополмай қоларди. Куз бўлса дарров узум, хурмо узиб дастурхонга тўкар, ёз бўлса чиллаки ўрик ва гилослардан узарди.

Шуниси эсимда, қачон акамникига келсак, янгам тандирдан иссиқ нонларни узаётган бўларди. Уларнинг ҳовлиси ҳар доим иссиқ нон хидига тўлган ҳолда эсимга тушаверарди.

Отам ҳар гал уч қизи, яъни, бизни эргаштириб акамникига олиб бораркан, автобусимиз катта йўл бўйидаги қатронғи дарахти остидаги бекатда тўхтатарди.

- Агар ўзинглар келишларингга тўғри келиб қолса мана бу қатронғи дарахтига қаранглар. Шу ерга етганда тушиб қолсанглар, сира адашиб қолмайсизлар, - деб тайинларди.

Биз эса ҳар доим отам билан келганимиз учун бу гапларга унча парво қилмасдик.

Вақти келиб ота-онамиз анча кексаиб қолишди. Энди баъзи яқин-йилроқдаги қариндошларимизникига опларим, ёки акаларим бориб келадиган бўлишди. Бир гал тўйга акамни айтиб келиш учун мен борадиган бўлдим. Отам йўловчи машиналарга ўтирмаслигини қайта-қайта тайинлаб, қўлимга пул бериб кўчамизнинг бошига гача кузатиб қўйди.

Мен эса биринчи марта ўзим олиб жойга ёлғиз кетаётганлигимдан мам-

нун бўлиб, орқамга ҳам қарамасдим. Автобусга ўтириб йўлга тушдим. Автобус уйдан олисланган сайин юрагимга гўлгула туша бошлади. Ойнага ёпишиб олиб йўл четига қараб борарканман, ҳамма дарахтлар кўзимга бир хил бўлиб кўринарди.

Таниш жойга етганимизда тушиб қолдим.

- Отам қайси дарахтни кўрсатганди? - дея дарахтларга бир-бир қараб чиқа бошладим. Аксига олиб ям-яшил барглари билан қопланган дарахтларнинг қайси бири қатронғи эканлигини билмасдим. Шу кўйи йўл четига анча турдим. Кейин таввақал қилиб тўғридаги кўчалардан бирига қараб юрдим. Қатор қурилган уйларга қараб юриб, акамнинг деразаси остида олчалар ўсган уйини топа олмадим. Яна катта йўлга чиқиб қолдим. Бир дарахт тўғрисидаги кўчага бурилдим. Хуллас тушгача кўчаларни айланиб юриб, акамнинг уйини топа олмадан чарчаб кетдим. Хўрлигим келиб, йилгаб юбордим. Бировлардан сўрашга уялдим. Бегона кўчалардан биридан кетаётиб тўғримдан келаётган бир кишига қараб юрдим. Уша кишидан акамнинг уйини сўрамоқчи бўлдим.
- Менга яқинлашиб келаркан, унинг акам

эканлигини кўриб қаршисига югурдим. Бўйиндан кучоқлаб олиб роса йиғладим. Акам ҳайрон бўлди. Бу кўчада иши йўқлигини, лекин негадир оёғи шу томонга тортганини айтиб, хурсанд бўлиб уйига бошлади. Мен уларнинг кейинги кўчадаги уйлари-га кириб борганимда янгам нон ёпарди.

Бирпасда овқат, чай олиб келишиб меҳмон қилишгач, кўрпачага чўзилиб ухлаб қолбман. Кеч бўлганда турдим. Акам билан янгам аллақачон отланиб бўлишган, янгам эса тоғорасига майда-чўдаларни соларди.

Шундан сўнг бекатга чиқдик. Келиб тўхтаган автобусда уйга қайтдик. Акам воқеани айтган бўлса керак, отам менга кулиб қараб қўярди.

Бир неча кундан сўнг акамнинг ўғли ҳарбий хизматдан қайтди. Кўргани борадиган бўлдик.

Хуллас, яна ўша бекатга келиб тушдик. Бироз юрганимиздан кейин отам акамнинг кўчаси бошида ўсган қатронғининг йўғонроқ бир шоҳига қизил белбоғидан ийртиб боғлаб қўйди. Сўнгра бизга қараб:

- Энди қачон келсанглар ҳам, мана шу белгига қарасанглар акамизнинг уйини

адашмасдан топиб бора-сизлар, - деб қўшиб қўйди. Чиндан ҳам шу воқеадан сўнг бир неча марта акамнинг уйига бордим. Қорёғирида ранги сал унққан бўлса ҳам отамни белбоғининг парчаси ўша ерда менга йўл кўрсатиб турарди. Кейинчалик ўрғаниб кетдик, энди йўлни топиш учун белги ҳам керак эмасди. Белбоғ эса эсимдан ҳам чиқиб кетгандек эди.

Орадан яна йиллар ўтди. Ота-онамиз ҳам бу оламни тарк этишди, катта акамиз эса отамиз ўрнига маслаҳаттўйимиз бўлди. Кўнглим ўқсик, дийдор излаб акамнинг олди-ка келган кунларимнинг бирида отам боғлаган ўша белбоғ ёдимга тушди. Анчагина тарвақайлаб кетган қатрон-фи дарахтининг шоҳларида эса хануз ранги оппоқ бўлиб униқиб кетган белбоғ парчаси кўриниб турарди. Уни олиб ўзларимга босдим.

Кейинчалик ҳам бу йўллардан кўп ўтдим. Қатроннинг шоҳлари баҳор ва ёзда ям-яшил бўлса, кузда олтиндек сарғаяди, қишда қорнинг элзворидан эгилди. Лекин ҳамон ўшандай қад ростлаб, отамни эслатиб туради. Яқинда кизим билан акамнинг уйига бораётиб ўша дарахтнинг олдида тўхтадим.

Шоҳларига мен ҳам мовий рўмолимни боғлаб, кизимга жигарларим томонга олиб борадиган йўлни тайинлаб кўрсатдим. Бу дарахт меннинг назаримда оддийгина қатронғи эмасди. Йиллар ўтса ҳам бир-биримиз томонга йўл бошлайдиган меҳр дарахтига айланган эди...



## МЕХР ДАРАХТИ





**Мойчечак(ромашка) нафақат чиройли гул, балки ўзига хос шифобахш хусусиятларга ҳам эга. Ҳатто Ибн Сино ҳам ундан беморларни даволашда кенг фойдаланган. У халқ табобатида бавосил(геморрой), ўт пуфагида тош пайдо бўлиши, аёллар жинсий аъзолари касалликлари, ҳомилдорликдаги токсикоз, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, ярали колит ва бошқа дардларни даволашда қўлланилади.**



# ДОРИВОР МОЙЧЕЧАК

Мойчечак бизнинг иқлим шароитимизда ўсишга мослашган бир йиллик гул бўлиб, бўйи 15-50 сантиметр келади. У томорқаларга, истироҳат боғларига, кўча бўйларига экилади, гулхоналарда махсус кўпайтирилади. Шунингдек, тоғ ва адирларда ёввойи ҳолда ҳам ўсади. Май - август ойларига гуллади. Гулбанди таркибидан 0,8 фоизгача эфир мойлари бўлгани боис айнан шу ойларда териб олинади ва халқ табобати ҳамда анъанавий тиббиётда муолажа учун ишлатилади. Мойчечак сафро ажралишини меъёрлаштириш, иштаҳани очиш, қорин бўшлиғидаги ички аъзолар сиқилишининг олдини олиш, яллиғланишга, аллергияга, микробларга қарши курашиш, оғриқ қолдирувчилик хусусиятларига эга.

**Ёввойи ҳолда ўсадиган доривор мойчечакни териблишида ташқи кўринишидан унга ўхшаш, аммо шифобахш хусусиятлари бўлмаган бошқа хил гуллардан фарқли бўлиши керак. У ана шу гуллардан ўзига хос ўткир ҳиди билан ажралиб туради. Яна бир гап: мойчечакнинг тиббиётда "Lepidotheke suaveolens" деб номланган, оддий халқ тилида эса "ҳидли мойчечак" дейиладиган тури ҳам бор. Доривор мойчечакдан фарқли равишда ҳидли мойчечакдан фақатгина ташқи муолажа, яъни суртма ва компресслар тайёрлашдагина фойдаланиш мумкин ҳолос.**

Даволаниш учун мойчечакдан дамламалар, қайнатмалар, эритмалар тайёрланади. Жумладан, қайнатма учун мойчечакнинг қуритилган гулидан 10 грамм олиб, 200 миллилитр қайноқ сувда 5-7 дақиқа қайнатилди. Сўнгра тиндириб, сузиб олинади. Дамлама учун эса 1 ош қошиқ қуритилган гул 1 стакан қайноқ сувда бир соат дамлаб қўйилади. Шунингдек, совуқ сувда ҳам дамлама тайёрлаш мумкин. Бунинг учун 10 чой қошиқ қуритилган мойчечак гули 2 стакан совуқ сувда саккиз соат дамлаб қўйилади. Ташқи аъзоларга суртиш ҳамда косметик мақсадларда

ишлатиш учун дамлама куйидагича тайёрланади: 4 ош қошиқ гулбарглари устига бир стакан қайноқ сув қўйиб, яна 5 дақиқа қайнатилди. Бир соат дам егач, сузиб олиб муолажа учун фойдаланилади.

**Сафро ажралишини ва ошқозон шираси секрециясини яхшилаш учун** кунига 3-4 маҳал 0,5 стакандан мойчечак дамламаси ёки қайнатмасидан ичиб туриш керак.

**Буйрак ва сийдик пуфаги касалликларида** ҳар куни 3-4 марта овқатланишдан олдин 1/3 стакан илик дамлама ичилади. Бу дамлама бир стакан қайноқ сувга 15-20 дона гулбарг солиб тайёрланади.

**Метеоризм(ичакда газлар тўпланиши оқибатида ошқозоннинг дам бўлиши)да** мойчечак гулидан 1 ош қошиғини бир стакан қайноқ сувда дамлаб қўйиб, совуғач сузиб олиб чой ўрнида ичиш зарур.

- Доривор мойчечак гулининг 1 ош қошиғи устига бир стакан қайноқ сув қўйиб, яна 5 дақиқа қайнатасиз. Сўнг 4 соат дамлаб қўясиз. Кунига 4 маҳал овқатланишдан олдин 2 ош қошиқдан ичиб туриш тавсия этилади.

**Ангина ва шамоллашда** доривор мойчечак гулбандидан 1 ош қошиқ олиб, бир стакан қайноқ сувда устини яхшилаб ўраб дамлаб қўясиз. Ярим соатдан сўнг сузиб олиб, томоқни чайиш мумкин. Шунингдек, кунига икки-уч маҳал лимон ва асал қўйиб ичиб туриш ҳам яхши самара беради.

- Доривор мойчечак, эвкалипт япроғи ва гулхамшабаҳор(ноготки) гулларидан тенг миқдорда олиб аралаштирасиз. Аралашмадан 1 ош қошиғи устига 1,5 стакан қайноқ сув қўйиб, яна 2 дақиқа қайнатиб турасиз. Сўнг устини ўраб, 40 дақиқа дамлаб қўясиз. Сузиб олиб, кунига икки маҳал мана шу дамлама билан томоғингизни чайиб туринг. Агар ангина сурункали кечаётган бўлса, биринчи куни дамламани +25 даражада илтиб муолажа қиласиз. Шу тарзда 10 кун мобайнида ҳароратни кунига 1 даражадан пасайтириб борасиз. Муолажанинг охириги куни +15 даражали дамлама билан томоғингизни чайиб муолажани яқунласиз.

**Оғиз бўшлиғи яллиғланиши касалликларида** кунига 4-5 марта илик дамлама ёки қайнатма билан оғизни чайиш керак. Бундан ташқари 15-20 грамм мойчечак гулидан бир стакан сувда дамлама тайёрлаб, унга 4 грамм бор кислотаси қўйиб оғизни чайиш ҳам тавсия этилади.

**Пиелонефрит ва сурункали циститда** доривор мойчечак гулининг қуритилганидан 1 ош қошиқ олиб, бир стакан қайноқ сувда дамлаб қўйилади. Совуғач

сузиб олиб, кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичиб туриш керак.

**Холестинтда** одатдагидек 1 ош қошиқ мойчечак гулини бир стакан қайноқ сувда дамлайсиз. Мазкур дамламадан илик ҳолида клизма қилиш керак. Тезроқ шифо тоғай, десангиз муолажани хафтасига 2-3 марта такрорлашни унутманг.

**Бурун полипи(бурун шиллик пардасида ўсимта пайдо бўлиши) ва синуситда.** Бурун тешиклари ичидаги шиллик парданг яллиғланишида мойчечак ва қончўп(чистотел) гиёҳи шарбатларининг тенг миқдорда-



мада хўллаб бўйинга боғланади. Устидан полиэтилен пленка ва пахтамоқ сочиқ ўраб қўйилади. 15 дақиқадан сўнг компресс олинади. Аммо бўйинни ювиш керак эмас. Яхшиси қуруқ сочиққа артиб, бирорта крем суртиб қўйган маъқул.

**Ўқори нафас йўллари шамоллаганда(тонзиллит, сурункали фарингит ва ларингит)** томоқ ва ҳалқумни мойчечак дамламаси ва қайнатмаси билан чайиш тавсия этилади.

- Маржон(бузина), жўка(липа) ва мойчечак гулларидан 15 граммдан олиб, аралашма тайёрлайсиз. Аралашмадан 20 граммни бир стакан қайноқ сувда бир соат дамлаб қўясиз. Мазкур дамлама билан ингальция қилиш, томоқни чайиш ёки 1 стакандан ичиб туриш тавсия этилади.

- Доривор мойчечак гулидан 5 грамм, лаванда гиёҳидан 10 грамм олиб, аралашмадан 1 стакан қайноқ сувда дамлама тайёрлайсиз. Бир соат турган дамлама билан ингальция қилиш керак.

**Гинекологик касалликларда** ҳам мойчечак самарали восита ҳисобланади. Хусусан, **мойчечак мойи** хавфлишиш ва яралар, бачадон эрозиясини даволашда ишлатилади. Мойчечак мойи дорихоналарда сотилади. Шунингдек, уни уй шароитида ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун мойчечак гулбандидан 50 грамм олиб, 500 грамм ўсимлик ёғи қуясиз ва оловда қайнатиб оласиз. Сўнг 40 кун давомида қоронғу жойда тиндириб, сузиб оласиз.

\* Бачадонда шиш пайдо бўлганда кунига 3-4 маҳал 1/3 стакандан мойчечак илдизи дамламасидан ичиш керак. Дамлама учун илдиз ва сув 1:20 миқдорда олинади. Ҳайз қўриш кечикканда ҳар куни 3 марта 0,5 стакан гулбанди дамламасидан ичиш тавсия этилади. Усимталар яллиғланиши кузатилганда мойчечак дамламасидан 150 грамм олиб, микроклизма қилиш мумкин. Микроклизма қиритилгандан сўнг дамлама сўрилиши учун 10-15 дақиқа давомида яллиғланиш бўлган томон билан ёнбошлаб ётиш керак. Яхши самара бериши учун муолажани 7-10 марта олиш зарур.

**Гастритда** бир ош қошиқ қончўп(чистотел), 2 ош қошиқдан дасторбош(тысячелистник), қизилпойча(зверобой) гиёҳлари ва доривор мойчечак гулидан олиб, аралашма тайёрлайсиз. Аралашманинг 1 ош қошиғини бир стакан қайноқ сувда 0,5 соат дамлаб қўясиз. Сўнг сузиб олиб, ичасиз. Кунига 2-3 марта мана шу дамламадан тайёрлаб ичиб туриш тавсия қилинади.

**Гепатит(сарик касаллиги)да.** Бир ош қошиқдан доривор мойчечак гули, қизилмўй(солонка) илдизи, қончўп(чистотел) ва қизилпойча (зверобой) гиёҳла-

ридан, 2 ош қошиқ ялпиздан тайёрланган аралашмадан 1 ош қошиғи устига 1 стакан қайноқ сув қўйиб, 5-7 дақиқа қайнатиб турасиз. Сўнг тиндириб қўйиб, сузиб оласиз. Кунига 2 маҳал овқатланишдан олдин мана шундай дамламани тайёрлаб ичиш гоат фойдалди.

Кундалик турмушда **мойчечакли ванналардан** ҳам шифобахш восита сифатида кенг фойдаланиш мумкин. Бунинг учун 500 грамм дорихона мойчечак гулини 3 литр қайноқ сувда 10 дақиқа қайнатиб, 30-40 дақиқа тиндириб қўйган, сузиб олиб, сув тўлдирилган ваннага қуясиз ва ичига тўдиб ётасиз. Утириладиган ванна учун 200-300, оёққа ванна қилишда эса 100 грамм мойчечак гулидан қайнатма тайёрлаб, сувга қўясиз. Агар сиз грипп, тумов бўлганингизда ёки улардан сақланиш учун ванна қабул қилаётган бўлсангиз, сувнинг ҳарорати 38-39 даражадан ошмаслиги керак. Бошқа ҳолатларда, айниқса жисмоний ва ҳиссий зўриқишлардан сўнг кучни тиклаш учун ванна қабул қилинганда эса ҳарорат 35-37 даража бўлиши тавсия этилади. Муолажа 10-15 дақиқа давом эттирилади.

Мойчечак ванналари ортиқча асабийлашишда, томир тортишишида яхши самара беради, тери касалликларини, яра ва жароҳатларни, шиллик пардалар яллиғланишини даволайди.

\*20 грамм мойчечак гулини 1 литр сувда қайнатиб тайёрланган қайнатмадан ревматизм ва подагра касалликларини даволаш учун ванна қабул қилганда фойдаланилади.


**Косметологияда** ҳам мойчечак кенг қўлланилади. Агар мунтазам равишда озини дорихона мойчечакидан тайёрланган қайнатма ёки дамлама билан ювиб турсангиз, тез орада унинг силлик, майин ва юшмоқ бўлиб қолганини ҳис этасиз.

\*Сочларга тилларанг тус бериш ҳамда қазғоқни йўқотиш учун бошни мойчечак дамламасида ювиб туриш тавсия этилади.

\*Ёввойи ҳолда ўсадиган мойчечакни одатда бир йилда бир марта энди гуллаган пайтида териблиши керак. Ёмгирдан кейин, шудринг ёки туман тушганда терилган гулбандлар қуритилганда қорайиб, могор босиб қолиши мумкин. Шу боис мойчечакни иссиқ ва ҳаво очик кунлари териш керак.

Мойчечакни очик ҳавода қуруқ қоғоз ёки мато устига 5 сантиметр қалинликда ёйиб қўйиб қуритиш лозим. Аммо гулбарглари тўқилиб кетмаслиги учун уни ағдариш тавсия этилмади. Ҳаво яхши бўлса, мойчечак одатда 5-7 кунда қуриб қолади.

**ДАРМОН тайёрлади.**





Рухият сирлари

# ХУСНИХАТ ВА ФЕЪЛ-АТВОР

## ИНСОНДАГИ АСОСИЙ ХУСУСИЯТ

\* Катта-катта ҳарfli ёзув - инсоннинг қўли очиклиги белгиси. Лекин бунинг иккинчи тарафи ҳам бор. Тўғри, бундай одам дўсти учун бор-будини сарфлайди, тоғни талқон қилади, пул топади ва охири борини тез сарфлаб, ҳеч нарсасиз қолади.

\* Мехрибон, кучли, режали инсонлар думалоқ ҳарфлар билан, текис вертикал ёки бироз ўнгга энгаштириб ёзишади.

\* Оптимист ва хушчақчақ одамлар ёзувининг охири албатта юқорига кўтарилиб кетади. Бундай одамлар атрофдагиларга тез мослашадиган яхши суҳбатдошир. Шунингдек, матн тушунарлик, нотекис, ҳам майда, ҳам йирик ҳарф билан бири-бирига яхши боғланмай ёзилган бўлса, бундай одамлар уйда ҳар кун байрам.

\* Жуда пишиқ, бировларнинг диққатини тортишни истамайдиган инсонларнинг ёзуви охирида пастга тушиб кетади. Ҳарфлар майда, қаторлар ораси зич бўлади.

\* Тартибли, қатъий одамнинг ёзуви майда ва чиройлилиги билан ажралиб туради. Лекин бу ёзув эгалари атрофдагиларга, оила аъзоларига нисбатан

жуда талабчан, ҳатто эговловчи, кек сакловчи ва доим нимадандир қониқмай юришади.

\* Илмоқли ва тугунга ўхшаш ҳарфлар билан ёзадиган кимсалар қайсар бўлишади. Улар ўз жойлари, ҳамроҳлари хусусидаги фикрларида қатъий туришсада, аммо уларнинг ўзларига боғланиб қолишларини истамайди.

\* Фаол, интилувчан инсонлар бурчакли ҳарфлар билан ёзишади. Улар севимли, лекин бутунлай уйга ёки бирор кимсага боғланиб қолишдан чўчидилар. Эркинликни афзал билишади ва қандай ҳоҳлашса шундай яшашни хуш кўришади.

\* Ажойиб фазилатларга эга, маданиятли, мафтункор ҳамда мурасасоз инсонлар йирик ҳарфлар билан ёзишади ва тиниш белгиларини кўп ишлатишади. Улар ўз фикрларини чиройли ифода қилишади. Бундайлар кўпроқ ўзларини севишади ва одамлар эътиборини жалб қилишни ёқтиришади.

\* Кўнгилчан одамлар енгил, қаламни босмасдан ёзишади. Уларга атрофдаги воқеалар қаттиқ таъсир қилади. Ҳарфларни қадимий услубда ёзувчи одамлар ҳаёллараст, романтик ва идеалликка интилувчандирлар.

\* Қизиқчи ва танқидий нигоҳли инсонларни "ё" ҳарфидан таниш мумкин. Улар ўзгачароқ нуқталар қўйишади. Улар тақлид қилишга уста, ўтқир ҳажвга мойил одамлар.

\* Болаларча ёзадиган одамлар боладек бегубор инсонлардир.

### КАДИМИЙ ИЛМ

Қадим-қадимдан одамлар ёзув ва характернинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлигига эътибор беришган. Император Нероннинг бизгача етиб келган: "Мен бу одамдан кўрқаман. Унинг ёзуви хиёнаткор одамлигидан дарак бериб турибди", - деган мулоҳазаси ҳам фикримизнинг далилидир.

"Инсоннинг табиати ва сифатини ёзувга қараб қандай аниқлаш мумкин?" деб номланган китоб шу мавзуга бағишланган илк асар эди. Уни 1630 йилда италия профессорси Комилло Балдо ёзган. 200 йилдан сўнг эса француз дин вакили Фландрэн хуснихатлар таҳлили қоидаларини яратди. У бу илми - графология деб атади. Бу фан ҳозирги даврда инсон характери ва қобилиятининг хуснихатга алоқадорлигини ўрганади. Графология ёрдамида одамнинг интеллектини хоҳишини, эҳтироси ва ўзига қай даражада баҳо беришини аниқлаш мумкин.

Хуснихат бармоқлардаги муҳрлар сингари бетакоррдир.

### БУРЧАКЛАР ВА БОТИҚЛИК

- Думалоқ ҳарфлар - ишчанлик, шेरликка мойиллик белгиси. Бундай ёзув соҳиблари жадаллик билан ишлашни ёқтиришади ва ўзгачан ҳам ташаббус қутишади. Бурчакли ҳарфлар - мусобақаларни севувчи, эркинликка интилувчиларга хосдир.
- Ҳам думалоқ, ҳам бурчакли ҳарфлар билан ёзувчи одамлар барчани ҳайрат қолдириш, мафтун этишни яхши кўришади. Шу билан бирга улар меҳмондўст ва нозик дидли бўлишади.
- Таъсирчан кишилар қаламни қаттиқ босмай ёзадилар.
- Босим билан ёзадиганлар эса мурасасоз, ҳаракатчан инсонлардир.

### АҚЛ БИЛАН ИШ ЮРИТИШ

Хуснихат бўйича одамнинг феъллини, қобилиятини, руҳий ҳолатини билиш мумкинлиги сизга илоҳий ва тилсимотдек туюлар... Аммо графология - бу жиддий фан. Чунончи Британия энциклопедияси (1978 й)да шундай маълумот берилади: "Графология шахснинг хуснихатдаги аксини ўрганади. У бой статистикага суянган ҳолда инсоннинг феълу атворидидаги қирралар ва ёзуви ўртаксидаги боғлиқликни тиклайди. Бунда мия бошқаради, қўллар мотори ишга тушади, руҳий жараённинг изи қоғозда ифодаланади, ёзув юзага келади".

Демак, ёзаётганда, қўлнинг ҳаракатлини мияга боғлиқ экан. Ҳеч ким онасидан ёзишни билган ҳолда туғилмаган. Болалигимизда ҳар бир ҳарфни зўрға қўйналиб "чизардик". Бора-бора ўз-ўзидан, автоматик равишда ёзадиган бўлдик. Одам берилиб ёзаётганда, бу ишни қандай қилаётгани ҳақида ўйламайди ва ёзувини ўзгартиришга ҳаракат қилмайди. Унинг ҳаёлини ёзув бошқаради. Ҳар бир ҳарфда, чизгида инсоннинг шахси муҳрланади.

### ОҚ ҚОҒОЗ НИМА ҲАҚИДА ХИКОЯ ҚИЛАДИ?

Агар сиз бирор одам ҳақида атрофлича билмоқчи бўлсангиз, аввало унинг қандай қоғозга ёзишига аҳамият беринг. Қалин доғли, атрофи қинғир-қийшиқ ёки дафтардан йиртиб олинган қоғозда ёзиш яхши феълдан дарак бермайди. Бу — танишингизнинг паллартиш, режасиз ва ҳатто қизганчак эканлигини кўрсатади.

Агар одам жиддий, режали, интилувчан инсон бўлса, у албатта оппоқ, оддий форматли қоғоз олиб, тартиб билан конвертга солади. Яна... дўстингизнинг қўли очик бўлса, қоғоз формати катта ва хат охирида қоғознинг бўш ери кўп бўлади.

### ҲАРФЛАРНИНГ ЭГИЛИШИ

- Ўнға эгилган ҳарфлар соҳибиилик муносабатли, дўста эҳтиромидан банд бўлади. У ўз ҳиссиётларини ақл билан бошқаради.
- Ўнға кучлироқ эгиклик эса ҳиссиётларини эркин намоён этувчиларга хос. Улар севишса - ақл-хушидан айрилгунча севишади; севишмаса - ҳиссиёти нафратга айланиши ҳеч гап эмас.
- Чап томонга эгиб ёзадиганларда ўз эҳтиросини назорат қилиш ҳислати намоёндир.

### МАЙДА ЁКИ ЙИРИК ҲАРФЛАР НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

- Оғир, босиқ инсонлар майда ҳарфларда ёзадилар.
  - Йирик ҳарфлар бўйсунушнинг ёмон кўрувчиларга хосдир.
  - Йирик ва химжимадор ҳарфлар билан ёзадиганлар - ижодкор, бўлаётган воқеаларни жиддий қабул қилишга мойил бўлишади. Нафис ёзилган бош ҳарфлар соҳибидан бошқариш ва ўзига қизиқтириш қобилияти устун бўлади.
- Санобар ФАХРИДИНОВА**  
тайёрлади.

# ЙЎЛ ЮРИБ ТОЛИҚСАНГИЗ

Инсоннинг тор жойда, бунинг устига аксарият ҳолларда ноқулай ўриндикларда узоқ вақт ўтириши нафақат унинг мушак ва бўғимларига, балки икки аъзоларига ҳам салбий таъсир кўрсатар экан. Бундай сафлар қанча олис масофага бўлса ва узоқ давом этса, жисмоний толиқиш ҳам шунча кучли бўлади.

Ҳар бир саёҳатчи мана шундай пайтда умумий чарчоқ ва зўриқишни сусайтиришга ёрдам берадиган усулларни билиши ва улардан фойдаланиши гоаят муҳимдир.

**Мана ўша усулларнинг айримлари:**

- \* Ҳар ярим соатда бир марта ўриндикдан туриб, оёқларнинг чигалини ёзиш керак. Бунинг учун оёқларни худди қалишни силтаб ечаётгандай силташ зарур.
- \* Қўллар билан ўриндикқа таяниб ўриндан туринг ва худди бир жойда юраётгандек ҳаракатлар қилинг.

**Автомашина ва автобусларда узоқ йўл юриш ёки самолётда олис масофага учиб кишини пиёда юргандан кўра кўпроқ толиқтириши тайин. Айниқса, узоққа қатновчи автобус, енгил ва юк машиналари ҳайдовчиларига осон эмас.**

Мабодо сизда ўрингиздан туриш имконияти бўлмаса ёхуд жамоат транспортида бу нарса бошқа йўловчиларга ноқулайлик туғдирса, қуйидаги машқларни бажаришни тавсия этамиз:

- \* Оёқларингиз учини полдан узмаган ҳолда бир неча марта товонларингизни юқорига кўтариб-тушинг.
- \* Кафтларингизни белингизнинг олд томонига қўйиб, куч билан пастга босган ҳолда унинг қаршилигини енгиб товонингизни юқорига кўтаришга уриниб кўринг.
- \* Оёқларингиз орасини озгина очиб, чап қўл билан ўнг оёқ тиззасини, ўнг қўл билан эса чап тиззани ич томондан ушланг. Сўнг қўлларингиз қаршилигини енгган ҳолда оёқларингизни



Билиб қўйган яхши

бирлаштиришга ҳаракат қилинг. Одам тиқилинч бўладиган автобус, трамвай, троллейбус, электропоезд ва метро вагонларида йўловчилар ҳам, ҳайдовчилар ҳам жисмоний ва руҳий зўриқишни бошдан кечирадилар. Бундай пайтда ўз-ўзини уқалаш усулларидан фойдаланиш керак.

1. Бош ва кўрсаткич бармоқлар билан қулоқлар солинчагини бир неча дақиқа уқалаш керак.
2. Умумий руҳий зўриқишни бартараф этишда ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан чап қўлнинг ўрта бармогини уқалаш яхши самара беради. Бунда уқалашни тирноқ-

дан бошлаб қафтга, сўнг аксинча йўналтириш керак ва то шу бармоқингиз исганини ҳис қилгунингизча давом эттирасиз.

3. Кафтларингиз орасига бирорта кичик буюм, масалан, ручка, қалам ёки ёнғоққа ўхшаш нарсани олиб, айлантира бошланг. Аста-секин кафтларингизни қаттиқроқ жипслаштира борасиз. Машқни кафтларингизда ёқимли илиқлик сезгунингизча бажаришингиз керак.

4. Агар сиз автомашинда бошқариб бораётган бўлсангиз, уни тўхтаиб ёки тезликни кескин пасайтириб, чап қўлнинг бармоқлари билан қўёш ўрилмаси(қоринда туташган вегетатив асаб тизими)ни соат мили айланишига тесқари йўналишда илиқлик сезгунингизча уқаланг.

5. Қаттиқ ўриндикда узоқ вақт ўтирганда елқанинг юқори қисми ва бўйиннинг орқа томони увишиб қолиши мумкин. Одатда уларни кафтлар билан уқалашнинг иложи бўлмайди. Бундай пайтда елқани ўриндик суянчигига бир-икки дақиқа ишқалаб туриш керак.

**Д. ИБРОҲИМОВ** тайёрлади.

**60** Эшим 26 да. Самарқандлик оддий қишлоқ қизиман. Жуда меҳнатсеварман. Озодлик ва саришталикни ёқтираман. Вақтида жуда кўп йигитлар совчи қўяндам. Ҳаммасини рад этиб вақт ўтганини билмай қолибман. 26-30 ёшлардаги, қўлида бирорта хунари бор, ўқимишли ва яхши оиланинг фарзанди бўлган (Илоҳи бўлса самарқандлик) йигит билан танишмоқчиман.

**Манзилим тахририятда.**



Сайёра

**62** Навоийлик 49 ёшли аёлман. Уч фарзандим уй-жойли. Худого шукр, улар бахтли-тахтли. Кўнглимга қарашади. Улардан кўнглим тўқ. Лекин энди ёлғизлик азобини тортаяпман. 55-64 ёшгача бўлган, уй-жойли, оғир-вазмин, қадримга етадиган бир эркак бўлса (тошкентлик бўлса яхши бўларди) оила қуриб, жуфти ҳалоло бўларди.

**Манзилим тахририятда.**

**Манзура**

**65** Эшим 57 да. Қийрайддаги ховлида онам билан яшайман. Аёлим вафот этган. Иккита фарзандим уйли-жойли бўлиб кетишган. Уй юмушларини бажариш онамга оғирлик қилапти. Мен истаган, бирор сабаб бўлиб ёлғиз қолган 45-55 ёшлардаги аёллар бордир? Шундай бир аёлнинг кўнгиригини кутаман.

**Манзилим тахририятда.**

**Жасур.**

**67** Тошкентликмиз. Отамнинг ёши 66 да. Акам билан яшайди. Келиноним отамга жуда меҳрибон. Лекин отам учун бир тан маҳрам зарур. 50-60 ёшлардаги фарзандларидан қутулган бир аёл бўлса отамни уйлантирардик.

**Манзилимиз тахририятда.**

**Саодат**

**68** 27 ёшли синглим бор. Оғир-вазмин, одобли қиз. Банкда ишлайди. Онам ва акам билан яшашади. Агар ақлли, ўйлаб иш тутадиган, касбли, 30-40 ёшлардаги бир эркак (тошкентлик) бўлса, турмушга узатган бўлардик.

**Манзилимиз тахририятда.**

**Мохира**

**70** Кувейм автохалокатга учраб вафот этди. Катта ховлида қизим битта қизчаси билан қолди. Уйимизга қайтишга кўнмаяпти. У 31 ёшда. Ишлайди. Уй-жойини пок, саришта тутайди. Мўминқобил, қизимнинг кўнглини тушунадиган 35-40 ёшлардаги эркак бўлса оқ фотиҳа бериб узатган бўлардик.

**Манзилимиз тахририятда.**

**Умриддин ота**

БАСИРА тайёрлади.

**61** 44 ёшли уйланмаган йигитман. Иккинчи гуруҳ ногирони-ман. Назарбека акам билан бир ховлида яшасак-да, ўзимга алоҳида уй қурилган. Табиатан меҳрибон ва меҳнатқашман. Турмушга чиқмаган бирорта қиз ёки бир фарзанди бўлган 35-40 ёшлардаги аёл билан оила қурмоқчи эдим.

**Манзилим тахририятда.**

**Шамсиддин**

**63** Эшим 36 да. Бухороданман. Жиддий сабаб билан турмушим бузилган. Фарзандим йўқ. Ота-онам билан яшайман. Чеварлик қиламан. Оиласи бўлмаган аёлнинг бахти ҳам ярим бўлар экан. Шу боис кеч бўлса-да, бирорта аёли вафот этган ёки ажрашган 40-45 ёшлардаги эркак билан танишиб оила қурсам дейман.

**Манзилим тахририятда.**

**Махбуба**

**64** Қашқадарёлик, 40 ёшдаги эркакман. Ажрашганман. Қўлимда касбим бор. Ҳалол меҳнат қилиб яшайман. Ховлида бир қизим билан яшайман. Эркак киши кўчадан келганда пишириб-қўйдириб ўтирадиган аёли бўлмаса жуда қийин экан. Мен 35-40 ёшларда бўлган пазанда, уйим-жойим дейдиган, яхши хулқли, садоқатли бир аёл билан оила қуришни орзу қиламан.

**Манзилим тахририятда.**

**Мансур.**

**66** 23 ёшдаман. Ногиронлигим боис ҳалигача совчилар келмади. Тикувчилик қилиб рўзгоримизни тибратаман. Уй ишларини, пазандаликни яхши қўраман. Балки бирорта ногирон йигит ҳам мендек ўз бахтини топа олмаддан изтироб чекаётгандир?

Оила қуришни истайдиган, ўзимдек нуқсонли бор, 30-35 ёшлардаги йигит бўлса, манзилим тахририятда.

**Малика**

**69** Ажрашганман. Эшим 43 да. Дурадгор, сандик ясайдиган устаман. Топишим рўзгорга етади. Иккита фарзандимга она меҳрини бера оладиган, меҳрибон, озода, 30-35 ёшлардаги бир аёлни излаяпман. Шинам ва файзли оила бекаси бўлишни истайдиган аёллар учун манзилим тахририятда.

**Сафарали**

**71** Эшим 26 да. Ажрашганман. Муаллима бўлиб ишлайман. Иккита фарзандим бор. Уй-жойли, болаларимни ўз фарзандидек қўрайдиган 40 ёшгача бўлган эркак билан тақдиримни боғламоқчи эдим.

**Манзил тахририятда.**

**Кумри**

Газетамиз саҳифаларидаги мазукур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида «Оналик ва болалик муаммолари, хотин-қизларнинг давлат ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар» лойиҳаси бўйича тайёрланди.

# О, муҳаббат... МАНГУ ҚАЛБИМДА У...

**(Боши ўтган сонларда)**  
Хатларни у ҳам, мен ҳам почтанинг ўзидан олардик. Ҳар ҳафтада почтага бораман. Қўлимга хат теккан куни мен учун байрам эди! Унинг сўзлари самимий, жозибали, меҳр тўла, оқибатли бўлар эди-ки, ўқиб туриб «Оҳ!» деб юборар эдим.

Уқшимизнинг биринчи йили тугади. Муяссарга хабарсиз Тошкентга келдим. У бу пайтда кутубхонада амалиёт ўтаётган эди. У мактубларидан бирида шу хусусда ёзган эди. Кутубхона биноси ёнида, «энди қаёққа юрсам экан» деб турган эдим, дафъатан, тўғри мен томон келаётган Муяссарга кўзим тушди... У мени ҳали кўрганича йўқ ... Мен жим, унинг йўлида пешвоз тураман... Шу пайт, бирдан у мени кўриб қолади! Кўриб қолади-ю, ранги ўзгариб кетади. Билдим-ки, унинг ҳам оёқ-қўли бўшашиб кетди... Биз учрашдик!... Биз шу дамда бир-биримизнинг қўчоғимизга отилишимиз, тўймай ўпишиб кетишимиз лозим эди, шекилли... Аммо яна бундай бўлмади... Қўлини қўлимга олдим, холос.

Ҳол-аҳвол сўрашдик. У ёқ-бу ёқдан гаплашдик ва ниҳоят собик «Ёш гвардия» кинотеатрига – томошага кирдик. Утириб-миз... Коронғи... Бир қўлим унинг ёлкасида. У шу қўлимнинг бармоқларини ушлаб ўтиради... Биз ҳозир яна туғён қилиб келаётган туйғуларимиз таъсирида жим ўтирамиз... Мен – ҳаёлот бандаси эса ички кечинмаларим оғушига берилиб кетаман... Шу пайт саргузаштлар асосида яратилган фильмдаги бир қўли махлук ўқирганча улкан харсанг тошни кўтариб худди бизга улоқтиргандай бўлади! Мен беихтиёр кўрқиб кетаман ва кўзларимни чирт юмиб Муяссаримга ташланаман! Ўзимга келганимда эса бошимни қизнинг қўлларига кўраман. У бўлса: «У ёқда (мен ўқиётган шаҳарда) юрагингизни олдириб қўйибсизку!» дейди ҳазил қилиб. Бошимни яна ҳам дадилроқ сийнасига босади! Мен ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

Бу – қанчадан-қанча изтироблар, интиқликлар эвазига менга қилинган тортиқ эканини тушунаман. О, муҳаббатимнинг оташин ризиқи! Нақадар жозибали, нақадар ўтлсан! ... Сентябр ойи кўз очиб улгурмай етиб келди. Хайрлашиш ниятида кутубхонага келдим. Қиз қошимда тураркан, анчадан бери миямда гузғон юрган, аммо айта олмаётган нохуш гапни айтишга мажбур бўлдим.

Шу гапни айтишлик, эшитириб қўйишлик вазифам, бурчим, деб тушунар эдим. Буни ҳозир айтмасам, қачон айтаман?! «Муяссар, – дедим, томоғимга нарса тикилиб, – бордию, мангу бирга бўлишга илорингиз бўлмаса, майли, ўзингиз биласиз... Кейин кеч бўлади... Пушаймон еб қолмайлик... Биламан, бизнинг учрашиб юрганимиз хуфия. Бундан уйингиздагиларнинг хабари йўқ. Бунинг устига, совчилар ҳам келаётгандир...»

Ҳа, азизлар... Бор гапни ақлим етганча, ўзим англаганча тушунтиришга ҳаракат қилдим. Биз энди кичкина эмас эдик. Ота-она олдида, ҳаёти-миз, келажгимиз қаршисида жиддий ўйлаб кўрайдиган ёшда эдик. Айниқса, у қиз бола, қиз боланинг эса иши қийин... Яна муҳим бир гап. Мен Муяссарни бахтли қила оламанми ёки бахтсиз қилиб қўяманми? Бизнинг турмуш шароитимиз уларнинг турмуш шароити билан тенг кела оладими?! Менинг ақлимда эса ҳали қанча ишлар турибди! «У қиз» эса турмушга тайёр, деган фикр юрак-баримни нимталар эди... Шундай ўйлар исканжасида мен ортимга чекина бошладим. Севгилимнинг қўлидан тутиб эсаётган совуқ бўронга қарши мардона бориш ўрнига уни ёнлаб ўтишни, четга чиқиб туришни, яъни осон йўлни тутмоқчи бўлдим. Бу, дедим, «мен бўронлардан лат ёмай, эсон-омон ўтиб оламан. Сен агар ўзинг қаршиликларга бардош бериб, енгиб чиқсанг, кел бағримга, қабул қилишга ҳамма вақт тайёрман», деганим эди... Мен ёшлигимга бориб, балки юраксизлик қилгандирман. Бўлиб ўтган сиқувлардан, руҳий эзиллишлардан зада бўлиб қолгандирман. Балки, вазият мен ўйлаганчалик ташвишли эмасдир. Чораси бордир... Билмасдим... Нима бўлганда ҳам ҳозир суюкли махбубам тақдирини ўйлаб иш қилишим керак эди... Уқишлар бошланди... Хат ёзишчи турадим. Унинг хатлари илгаригидай менга олам-жаҳон қувонч бағишлайди... Баҳор чиқиб Муяссардан камроқ хат оладиган бўлиб қолдим. Устама-уст мактуб йўллаб бунинг

дан бери миямда гузғон юрган, аммо айта олмаётган нохуш гапни айтишга мажбур бўлдим.

Шу гапни айтишлик, эшитириб қўйишлик вазифам, бурчим, деб тушунар эдим. Буни ҳозир айтмасам, қачон айтаман?! «Муяссар, – дедим, томоғимга нарса тикилиб, – бордию, мангу бирга бўлишга илорингиз бўлмаса, майли, ўзингиз биласиз... Кейин кеч бўлади... Пушаймон еб қолмайлик... Биламан, бизнинг учрашиб юрганимиз хуфия. Бундан уйингиздагиларнинг хабари йўқ. Бунинг устига, совчилар ҳам келаётгандир...»

Ҳа, азизлар... Бор гапни ақлим етганча, ўзим англаганча тушунтиришга ҳаракат қилдим. Биз энди кичкина эмас эдик. Ота-она олдида, ҳаёти-миз, келажгимиз қаршисида жиддий ўйлаб кўрайдиган ёшда эдик. Айниқса, у қиз бола, қиз боланинг эса иши қийин... Яна муҳим бир гап. Мен Муяссарни бахтли қила оламанми ёки бахтсиз қилиб қўяманми? Бизнинг турмуш шароитимиз уларнинг турмуш шароити билан тенг кела оладими?! Менинг ақлимда эса ҳали қанча ишлар турибди! «У қиз» эса турмушга тайёр, деган фикр юрак-баримни нимталар эди... Шундай ўйлар исканжасида мен ортимга чекина бошладим. Севгилимнинг қўлидан тутиб эсаётган совуқ бўронга қарши мардона бориш ўрнига уни ёнлаб ўтишни, четга чиқиб туришни, яъни осон йўлни тутмоқчи бўлдим. Бу, дедим, «мен бўронлардан лат ёмай, эсон-омон ўтиб оламан. Сен агар ўзинг қаршиликларга бардош бериб, енгиб чиқсанг, кел бағримга, қабул қилишга ҳамма вақт тайёрман», деганим эди... Мен ёшлигимга бориб, балки юраксизлик қилгандирман. Бўлиб ўтган сиқувлардан, руҳий эзиллишлардан зада бўлиб қолгандирман. Балки, вазият мен ўйлаганчалик ташвишли эмасдир. Чораси бордир... Билмасдим... Нима бўлганда ҳам ҳозир суюкли махбубам тақдирини ўйлаб иш қилишим керак эди... Уқишлар бошланди... Хат ёзишчи турадим. Унинг хатлари илгаригидай менга олам-жаҳон қувонч бағишлайди... Баҳор чиқиб Муяссардан камроқ хат оладиган бўлиб қолдим. Устама-уст мактуб йўллаб бунинг

дан бери миямда гузғон юрган, аммо айта олмаётган нохуш гапни айтишга мажбур бўлдим.

Шу гапни айтишлик, эшитириб қўйишлик вазифам, бурчим, деб тушунар эдим. Буни ҳозир айтмасам, қачон айтаман?! «Муяссар, – дедим, томоғимга нарса тикилиб, – бордию, мангу бирга бўлишга илорингиз бўлмаса, майли, ўзингиз биласиз... Кейин кеч бўлади... Пушаймон еб қолмайлик... Биламан, бизнинг учрашиб юрганимиз хуфия. Бундан уйингиздагиларнинг хабари йўқ. Бунинг устига, совчилар ҳам келаётгандир...»

Ҳа, азизлар... Бор гапни ақлим етганча, ўзим англаганча тушунтиришга ҳаракат қилдим. Биз энди кичкина эмас эдик. Ота-она олдида, ҳаёти-миз, келажгимиз қаршисида жиддий ўйлаб кўрайдиган ёшда эдик. Айниқса, у қиз бола, қиз боланинг эса иши қийин... Яна муҳим бир гап. Мен Муяссарни бахтли қила оламанми ёки бахтсиз қилиб қўяманми? Бизнинг турмуш шароитимиз уларнинг турмуш шароити билан тенг кела оладими?! Менинг ақлимда эса ҳали қанча ишлар турибди! «У қиз» эса турмушга тайёр, деган фикр юрак-баримни нимталар эди... Шундай ўйлар исканжасида мен ортимга чекина бошладим. Севгилимнинг қўлидан тутиб эсаётган совуқ бўронга қарши мардона бориш ўрнига уни ёнлаб ўтишни, четга чиқиб туришни, яъни осон йўлни тутмоқчи бўлдим. Бу, дедим, «мен бўронлардан лат ёмай, эсон-омон ўтиб оламан. Сен агар ўзинг қаршиликларга бардош бериб, енгиб чиқсанг, кел бағримга, қабул қилишга ҳамма вақт тайёрман», деганим эди... Мен ёшлигимга бориб, балки юраксизлик қилгандирман. Бўлиб ўтган сиқувлардан, руҳий эзиллишлардан зада бўлиб қолгандирман. Балки, вазият мен ўйлаганчалик ташвишли эмасдир. Чораси бордир... Билмасдим... Нима бўлганда ҳам ҳозир суюкли махбубам тақдирини ўйлаб иш қилишим керак эди... Уқишлар бошланди... Хат ёзишчи турадим. Унинг хатлари илгаригидай менга олам-жаҳон қувонч бағишлайди... Баҳор чиқиб Муяссардан камроқ хат оладиган бўлиб қолдим. Устама-уст мактуб йўллаб бунинг



боисини сўрадим. Мактубларим жавобсиз қолди...

Уқишнинг иккинчи йили ҳам тугади. Тошкентга келдим. Муяссарни топарман деб кутубхонага бордим. «Йўқ, у қиз келмаяпти», дейишди. Уйига телефон қила-қила ҳеч нарсага эриша олмадим. Эндиги бирдан бир чора соат 17.00 дан 18.00 гача кўчаси бошида пойлаш эди. Шундай ҳам қилдим. Буни қаранг-ки, соат 17.30 деганда йўлак бўйлаб келаётган Муяссаримни, йўқ, Муяссарни кўрдим. У одати бўйича сал салмоқланиб ерга қараб келарди. Мени кўрдию, ҳайрон-лол боқиб яқинлашди. Ҳар гапгадй пешвоз чиқдим. У ўзини анча олдириб қўйибди. Кўришдик. Не-чундир совуққина кўришдик. Юзимга, кўзимга қарай олма-масди. Тушундим-ки, совчилар келяпти. Менинг гина-хонлик қилишимга ўрин йўқ. Тил учиди ҳол-аҳвол сўрашдик. Сўнг уру туриб ён кўчага бурилдик. Нариди икки чинор шабадада шилдираб турарди. Уша ерга бордик. Чинор тагидан шалдираб сув оқади. Сув бетида бир жуфт беозор ўрдак «қағ-қағ»лашиб сузади. Уларни кузатамиз, уларга ҳавасимиз келади. Бири сув оқимиға қарши сузади. Иккинчиси эргашади. Нарироққа сузиб боришади-да, орқаларига қайтишади. Яна бироздан кейин шу ҳолат такрорланади. «Муяссар, – дейман, титраган овозда, – назаримда бизнинг ишимиз шу ўрдакларникига ўхшайди. Дам қарши сузамиз, дам орқага қайтамиз». Муяссар нима дедоқчи бўлаётганимни тушунади ва бошини эгиб чинорлардан бирига суяниб олади. Чинор ҳозиргина эс-ган шамолдан гувуллай бошла-йди. Демак, улар шамолга қарши туряпти. Биз бўлсак, сукунатдамиз. Беҳол, бемаж-лук, бенажот ҳолатдамиз...

(Давоми бор)  
Азимжон ҚОСИМОВ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 19.00  
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru  
oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБОР САИДОВА**  
Бош муҳаррир: 134-86-91  
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20  
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46  
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41  
Манзилимиз: Тошкент - 700000  
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.  
«Олой» бозори ёнида.  
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**  
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма F - 1332. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.  
Адади - 10898  
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ  
Расмом — Н. ХОЛМУРОДОВ  
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ  
Мусаҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ  
1 2 3 4 5